

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
МАГИСТРАТУРАСИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 336.71(336.22)

АЛИЕВ ЭЛЁР ИЛҲОМОВИЧ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДАРОМАДЛАРИ ВА УЛАРНИ
СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ ҲИСОБИ**

Мутахассислик: 5A230702-Банк ҳисоби ва аудит

Иқтисод магистри даражасини олиш учун

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

Илмий раҳбар:
и.ф.н. И.Ф.Сайфиддинов

ТОШКЕНТ – 2013

Диссертация Тошкент молия институти «Банк хисоби ва аудит»
кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар

и.ф.н. доц. в.б. И.Сайфиддинов

Илмий маслаҳатчи

и.ф.н., доцент Ж.Исаков

Кафедра мудири

и.ф.н., профессор Т.Қоралиев

Магистратура бўлими бошлиғи

и.ф.н., доцент Х.Ахмедов

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДАРОМАДИ (ФОЙДАСИ)НИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	
1.1. Тижорат банкларини солиққа тортишнинг объектив зарурлиги.....	10
1.2. Тижорат банкларини солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари...	19
1.3. Тижорат банклари томонидан тўланадиган солиқларнинг турлари ва уларни ҳисоблаш тартиби.....	25
2-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ	
2.1. Тижорат банкларини умумдавлат солиқларига тортиш ҳолати....	34
2.2. Тижорат банкларидан ундириладиган маҳаллий солиқларнинг иқтисодий таҳлили	49
2.3. Тижорат банкларидан давлатнинг мақсадли жамғармаларига ундириладиган мажбурий ажратмаларни амалга ошириш тартиби.....	57
3-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ	
3.1. Тижорат банкларини фойда солиғининг тўлаш механизмини такомиллаштириш йўллари.	62
3.2. Тижорат банкларини ресурс солиқларининг тўлаш тартибини ривожлантириш масалалари.	67
ХУЛОСА.....	73
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	78
ИЛОВЛАР.....	84

Кириш

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Иқтисодийни модернизациялашда тижорат банкларнинг фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг асосий тури – бу солиқ назорати бўлиб ҳисобланади. Ўз навбатида солиқлар инвестицияларни киритишдаги асосий омиллардан биридир.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида тижорат банкларини ўрни юксак даражада баҳоланаётганлиги, уларни фаолият юритишида солиққа тортишни ҳисобини энг тўғри ва ҳаққоний ёндашиш усуллари кўллаш ва солиқ юкларини мақбуллаштириш чораларини кўриш мақсадга мувофиқдир.

2013 йилда мутаносиб ва барқарор давлат бюджетини шакллантириш мақсадида солиқ маъмурчилигини янада такомиллаштириш ва эркинлаштириш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлаш, бутун солиқ тизимини соддалаштириш ва унинг ошкоралигини таъминлаш бўйича тегишли тадбирлар кўзда тутилмоқда. Шуларнинг ҳисобидан солиқ юки даражасининг ошмаслиги таъминланиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан бу кўрсаткич 21,3 фоизни ташкил этади¹.

Бугунги кунда молиявий институтларни, хусусан, кредит ташкилотлари фаолиятини кенгайтириш ва капиталлаштиришга хизмат қилувчи ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Дунё мамлакатларида юзага келган молиявий инқироз шароитида республикада олиб борилган ислохотлардан шунини алоҳида, таъкидлаш жоизки тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш орқали уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда уларнинг инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдаги иштирокини фаоллаштириш мақсадида давлат бюджетидан тижорат

¹ Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари. www.press-service.uz.

банклари устав капиталини ошириш бўйича маблағлар ажратилиши жаҳон иқтисодиётида катта из қолдирди десак муболаға бўлмайди.

Лекин, шунга қарамасдан мамлакатимиз пул кредит сиёсати ва солиқ сиёсати ўртасидаги мувозанатда айрим муаммоларга дуч келинмоқда. Бу муаммо шундаки, кредит ташкилотларининг фаолиятини кенгайтириш ва барқарорлиги ҳамда уларни келажакда молиявий хизматлар бозорида фаолиятларини янада ривожлантириш мақсадида солиқ ва солиққа тортилиши билан боғлиқ мураккаб саволлар ҳамон ўзини ечимини кутмоқда. Қайд қилинганлардан кўриниб турибдики, кредит ташкилотларини капиталлашувини ошириш ҳамда уларни дунёни йирик молиявий институтлари қаторига киритиш учун уларга айрим имтиёзларни беришни тақазо этмоқда. Албатта, асосий имтиёзлардан бири солиқлар ҳисобланади.

Тижорат банкларининг барқарорлашишига, капиталлашув даражасини таъминловчи асосий кўрсаткич, бу-соф фойда ҳисобланади. Тижорат банки ихтиёрида қоладиган соф фойда миқдори уларга нисбатан қўлланилаётган солиқ ставкалари орқали таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг инқирозга қарши чора-тадбирларида ҳам биринчи навбатда кредит ташкилотлари барқарорлигини таъминлаш орқали иқтисодиётнинг реал секторини хусусан, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ҳамда жаҳон бозорини янги марраларига чиқиш белгилаб олинди.

Албатта, шундай экан бугунги кунда тижорат банкларининг инвестиция жараёнларида иштирокини фаоллаштириш мақсадида тижорат банклари учун солиқлар орқали бир неча имтиёзлар берилди:

– тижорат банкларига 2012 йилнинг 1 январигача даромад (фойда) солиғи бўйича солиққа тортиладиган базанинг тасдиқланган мақсадли дастурларга мувофиқ, иқтисодиётнинг устувор тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун уч йилдан

ортиқ муддатга берилган кредитлардан олинган даромадлар суммасига тенг миқдорда камайтирилиши белгилаб қўйилди;

- тижорат банклари ўз филиалларига товар моддий бойликлар, даромадлар ва бошқа ресурсларни берганда қўшилган қиймат солиғи ва даромад (фойда) солиғидан;

- инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун хорижий молия институтларининг жалб қилинган кредит линиялари бўйича тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган фоизлар ва бошқа тўловлар бўйича – тўлов манбаидан олинадиган солиқлардан;

- тижорат банкларнинг Имтиёзли кредит бериш жамғармасининг ресурсларини оширишга йўналтириладиган ва жамғарманинг берилган кредитлар ҳисобига олинган даромадлари Имтиёзли кредит бериш жамғармасига йўналтирилган пайтдан бошлаб 2012 йилгача 5 йил муддатга даромад (фойда) солиғидан;

- тижорат банкларининг ипотекага қўйилган мол-мулкни сотишга ва берилган ипотека кредитларидан олинган даромадлари даромад (фойда) солиғидан озод этилди.

Юқоридаги мазкур имтиёزلарни кредит ташкилотларига берилиши албатта, уларни иқтисодиётдаги фаоллигини янада оширди ва кредит бозорида бир қанча эркинликларни яратиб келмоқда.

Мамлакат иқтисодиётининг модернизациялашуви шароитида тижорат банкларининг йиллик ҳисоботлари таҳлиллари кўрсатишича, айрим тижорат банкларининг молиявий ҳолати талаб даражасида эмас. Бизнинг фикримизча, бундай салбий ҳолатнинг вужудга келишида аксарият ҳолларда солиқлар муҳим рол ўйнайди. Юқорида қайд этилган ҳолатлар тижорат банклари даромадлари ва уларни солиққа тортишнинг ҳисоби комплекс тарзда илмий таҳлил этишни тақозо этадиган долзарб муамолардан бири ҳисобланади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Тижорат банкларини солиққа тортишнинг назарий жиҳатлари хорижлик олимлар М.Белуза, А.Веренков, Э.Вознесенский, А.Гуйдо, А.Дадашев, Л.Дробозина, В.Колесников,

А.Лаффер, Р.Макконел, А.Медведев, Г.Поляк, В.Родионова, Р.Рябова, С.Фишер, М.Фридмен, А.Харрод, Д.Черниклар² илмий ишларида тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда тижорат банкларини солиққа тортишнинг назарий ва амалий томонлари О.Абдурахмонов, Ш.Абдуллаева, М.Альмардонов, Қ.Базаров, А.Вахабов, Э.Гадоев, В.Галкин, Ж.Зайналов, А.Жўраев, О.Иминов, Т.Маликов, О.Олимжонов, Ш.Тошматов, Ш.Тошмуродов, Б.Тошмуродова, Қ.Яхъеев, Н.Хайдаров, Р.Қурбоновлар, О.С. Комолов³ томонидан таҳлил қилинган.

Б.Исроилов ва З.Қурбоновлар бухгалтерия ҳисобининг таркибий бир бўлаги бўлган солиқ ҳисобини юритиш ва солиқ ҳисоботини тузиш масалаларидаги баъзи муаммолар ечимини топиш йўлида тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Юқорида қайд этилган хорижлик ва мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан солиқларнинг назарий асослари, иқтисодий мазмуни, миллий иқтисодиётдаги ўрни, ялпи ички маҳсулотни тақсимлашдаги мавқеи тўғрисида қатор илмий хулоса ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Шу билан бир қаторда, иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида республикаимизда тижорат банклари даромадлари ва уларни солиққа тортишнинг ҳисобини тадқиқ этишга бағишланган яхлит махсус илмий тадқиқотлар амалга оширилмаган. Ушбу муаммонинг долзарблиги ва иқтисодий адабиётда чуқур тадқиқ этилмаганлиги алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида танланишига асос бўлди.

² Белуза М.Я., Веренков А.И., Налогообложение коммерческого банка: Справочник-альманах. – М.: Банковский Деловой Центр, 1996. – 136 с; Дадашев А.З. Налогообложение коммерческих банков в Российской Федерации. – М.: Книжный мир. 2008. – 88 с.

³ Тошматов Ш. Тижорат банкларини солиққа тортишни такомиллаштириш // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2005. -№10-11. – Б.6.; Тошмуродов Ш. Формирование доходов коммерческих банков. – Санкт-Петербург: СПб.УЭФ, 1992. – 190 с.; Комолов О.С. Тижорат банкларини солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш масалалари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: 2009. – 20 б.

Тадқиқот объекти Ўзбекистон Республикаси тижорат банки молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида тузилган маълумотлари танлаб олинган.

Тадқиқот предмети. Тижорат банкларида солиқлар ҳисобини такомиллаштириш ва амалиётга тадбиқ қилишда юзага келадиган муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари даромадлари ва уларни солиққа тортишнинг ҳисобини таҳлил қилиш асосида илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Тадқиқот ишининг олдига қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- тижорат банкларини солиққа тортишнинг объектив зарурлигини давр талабига мос равишда ўрганиб чиқиш;
- тижорат банкларини солиққа тортишнинг ривожланиш босқичларини қиёсий ўрганиш;
- тижорат банкларидан ундириладиган умумдават солиқлари, маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг ҳисоблаш тартиби ҳамда тўлаш механизмини таҳлил этиш;
- тижорат банкларидан фойда солиғи ҳамда ресурс солиқларини ундириш механизмини такомиллаштириш юзасидан илмий таклифлар ишлаб чиқиш;
- тижорат банкларининг амалдаги солиққа тортиш жараёнини мувофиқлаштирувчи меъёрий ҳужжатларни давр талабига мослаштириш юзасидан илмий хулосалар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методлари. Диссертацияда гуруҳлаштириш, таққослаш, тизимли ёндашув, коэффициентларни ҳисоблаш, омилли таҳлил каби усуллари қўлланилди.

Тадқиқот гипотезаси: тижорат банклари даромадлари ва уларни солиққа тортишнинг ҳисобини назарий-услубий асосларини яхлит тадқиқ қилиш натижасида берилган илмий таклиф ва тавсияларнинг қўлланилиши

тижорат банклари фойдасини солиққа тортишни ҳисобини янада соддалаштиради, банк фойдасига таъсир этувчи омиллар комплекс тадқиқ этилиши келгусида банк фойдасини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқот ишини тадқиқ этиш жараёнида қуйидаги илмий янгиликлар ишлаб чиқилди:

- тижорат банкларини солиққа тортишнинг ривожланиш босқичларини таҳлил қилиш орқали тижорат банкларининг ички ва ташқи омилини аниқлашга хизмат қилувчи ўзига хос белгилари аниқланди;

- тижорат банклари учун амалдаги фойда солиғини ундириш механизмига қисман ўзгартириш ва қўшимчалар киритган ҳолда, тижорат банклари фойдасининг таркиби ва фаолият соҳаларига мувофиқ табақалаштирилган солиқ ставкалари асосида фойда солиғини жорий этиш асосланди;

- тижорат банкларини фойда солиғига тортишда табақалаштирилган солиқ ставкаларини жорий этиш давлат бюджетининг фискал манфаатига мос келиши исботланди;

- табақалаштирилган солиқ ставкаларини жорий этиш тижорат банклари молиявий ресурсларини капиталлашув даражасини ўсишига олиб келиши аниқланди;

- янги тартибда жорий этилган фойда солиғи тижорат банкларининг молия бозорида инвестицион фаоллигининг жадаллашига олиб келиши асосланди;

- тижорат банкларидан ресурс солиқларини ундиришнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланди;

- тижорат банкларини амалдаги солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертациянинг асосий мазмуни ва натижалари “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молия-кредит

муассасаларининг инвестицион фаоллигини ошириш” (Тошкент, 2013) мавзусидаги республика илмий-амалий анжуманда ва “Иқтисодийни модернизациялаш ва инвестицион фаолликни оширишда банк тизимининг ўрни” (Тошкент, 2013) мавзуларидаги халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён қилинган ва мақуланган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 3 та боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ишининг ҳажми 78 бетни ташкил этган, унда 6 та жадвал, 6 расмдан иборат.

1-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДАРОМАДИ (ФОЙДАСИ)НИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Тижорат банкларини солиққа тортишнинг объектив зарурлиги

Иқтисодиётни эркинлаштирилиши ривожланиб бораётган бир даврда янгидан яратилган қийматни адолатли тақсимлаш масалалари алоҳида аҳамият касб этади. Бу жараён тижорат банклари фаолиятига ҳам бевосита боғлиқдир.

Бизнинг фикримизча, шу ўринда хорижлик ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан солиқларга берилган таърифларни ҳамда ўрганилганлик даражасини келтиришни ўринли деб уйлаймиз.

Хорижлик иқтисодчи олим, профессор Д.Г.Черникнинг фикрича «Солиқлар-давлат томонидан хўжалик субъектлари ва фуқаролардан қонуний тартибда ўрнатилган ставкаларда ундириб олинадиган мажбурий йиғимларни ўзида акс эттиради».⁴

Юқорида келтирилган таърифлар тўғри ва кенг омма учун тушунарли таърифлардир, албатта. Бизнингча, бу таърифлар солиқларнинг ташкилий-ҳуқуқий томонларини тўлиқ ўзида акс эттирмайди. Яна бир томони, солиқлар нима мақсадда ундириб олинади деган саволга ҳам тулиқ жавоб бера олмайди.

Ш.Гатаулин «Солиқлар ва солиққа тортиш» номли китобида солиқларнинг энг содда таърифини қуйидагича изоҳлайди: «Солиқлар-бу давлат сарф-харажатларининг асосий манбаи бўлиб, иқтисодиётни тартибга солувчи ва даромадларни барқарорлаштирувчи воситадир».⁵

Бу таърифда солиқларни нима мақсадда йиғиб олиниши ва давлатнинг ундан нималарга фойдаланиши кўрсатилган, аммо, бизнингча, солиқларнинг ҳуқуқий ва мажбурийлик томони акс эттирилмаган.

Мамлакатимизнинг баъзи бир иқтисодчилари солиқларни миллий даромадни тақсимлаш воситаси сифатида ифодалашга ҳаракат қилганлар:

⁴ Черник Д. Налоги в рыночной экономике. // Финансы, - Москва, 1992. - № 3. - С.

⁵ Гатаулин Ш. Солиқлар ва солиққа тортиш. -Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1996. - Б.

«Солиқлар-миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида унинг бир қисмини давлат ихтиёрига олиш шаклидир».⁶

Профессор О.О.Олимжоновнинг фикрига кўра солиқлар қўйидагича таърифланса, солиқнинг моҳияти кенгрок очилади: «Солиқлар-давлат ва жамиятнинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжини кондиритиш мақсадида қонун томонидан белгилаб қўйилган ҳажмда ва ўрнатилган муддатда жисмоний ва ҳуқуқий шахслардан давлат ихтиёрига мажбурий равишда ундириб олинадиган тўловлардир».⁷

Юқоридаги олим ва мутахассисларнинг фикрларидан келиб чиқиб, фикримизча, солиқларга ушбу таърифни беришни ўринли деб ҳисоблаймиз: **«Солиқлар-қонун билан белгиланган, давлат бюджетига тушадиган, мажбурий характердаги, юридик ва жисмоний шахслардан белгиланган ҳажмда ва тартибда олинадиган пул тўловларидир»**. Бу таърифнинг бошқа таърифлардан ажралиб турадиган асосий томони шундаки, бу ерда уларни пул тўловлари деб таъриф бердик. Ҳақиқатдан ҳам, бюджетга мол-мулк ёки маълум бир қийматдаги буюмлар эмас, фақатгина пул тўловлари тушиши мумкин.

Солиқ тизимининг долзарблиги, аввало, уни ташкил этадиган ва бошқарадиган давлат тузилмаларига боғлиқ. Солиқ давлатнинг ўз мақсад ва вазифаларини бажариш учун фойдаланадиган иқтисодий қуролдир, демак солиқнинг моҳияти ва вазифаларини аниқлашда давлат фаолиятидан келиб чиқиш лозимдир.

Солиқлар фискал сиёсатнинг бир қисми сифатида намоён бўлишини К.Макконелл ва С.Брю ўзларининг ишларида кўрсатиб ўтганлар. Шу билан бирга, улар иқтисодиётда барқарорликни таъминлашда ҳал этиладиган вазифалардан келиб чиқиб, фискал сиёсатни тўсқинлик қилувчи ёки рағбатлантирувчи сиёсатлар эканлигини исботлашга ҳаракат қилганлар. Улар ўзларининг «Экономикс» асарида «Фискал сиёсатнинг асосий мақсади-ишсизлик ва инфляцияни тугатишдан иборатдир. Инқироз даврида фискал сиёсатнинг

⁶ Улмасов А., Шарифхужаев М., Иқтисодиёт назарияси. -Тошкент: Меҳнат, 1995. - 377 б.

⁷ Олимжонов О. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида солиқ сиёсати.// Хаёт ва қонун.-Тошкент, 1992- №2. - Б.8-12.

рағбатлантирувчилик роли тўғрисидаги масала пайдо бўлди ва у қуйидагиларни ўз ичига олади: давлат харажатларини кўпайиши ёки солиқларнинг камайиши ёхуд иккаласини ҳам бирга кўшиб олиб бориш. Ёки аксинча, агарда иқтисодиётда ортиқча талаб туфайли инфляция содир бўлса, бунга тўсқинлик қилувчи фискал сиёсат мос келади. Тўсқинлик қилувчи фискал сиёсат ўз ичига қуйидагиларни олади: давлат харажатларни камайиши ёки солиқларнинг камайиши, ёхуд иккаласини кўшиб олиб борилиши». Бу фикрларда иқтисодий ривожланиш мақсадларининг тез ўзгарувчанлиги ва шунга мос равишда солиқ сиёсатининг йўналишларини ўзгартирилиши тўғрисидаги хулосаларни учратиш мумкин.

Бу хилдаги фикрларнинг мавжудлиги солиқларни иқтисодий моҳиятини чеклаб қўяди. Солиқлар моҳиятини асослашда принципиал ёндашмоқ керак ва бу борада Президентимиз И. Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» асарида «аввало солиқ тизими ўзига хос вазифани-фискал (хазинани тўлдириш), қайта тақсимлаш ва рағбатлантириш вазифасини тўла даражада бажариши керак»⁸ - деб алоҳида таъкидлаб ўтилиши диққатга моликдир.

Солиқларга берилган бундай таъриф, солиқларнинг моҳиятини очиб беришда унинг вазифаларидан келиб чиқиш зарурлигини кўрсатади. Солиқлар давлат бюджетини тўлдиришнинг муҳим унсурларидан бўлиб, бюджет даромад қисмини энг муҳим вазифаларни ҳал этиш учун зарур миқдорда маблағ билан таъминлаши лозим. Шунингдек, солиқлар ялпи ички маҳсулотни бир қисмини қайта тақсимлайди ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашни таъминлашда бевосита иштирок этади.

Иқтисодчи олимлар А.Ишмухаммедова, Л.Каланова ва М.Рахимовалар ўзларининг «Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши» китобида солиқлар учта вазифани а) солиқ тўловчилар билан давлат ўртасида даромадларни тақсимлаш; б) иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги фаолиятни чеклаб қуйиш; в) аҳолининг муайян табақаларига ижтимоий имтиёзлар бериш вазифасини бажаради мазмунидаги фикрни қайд этишган⁹.

⁸ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Тошкент: Ўзбекистан, 1998. - 358 б.

⁹ Ишмухаммедова А., Каланова Л., Рахимова М. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг

Фикримизча, солиқ тизимининг энг муҳим вазифаси ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, табиий ва молиявий ресурслардан, мол-мулклардан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишдир. Аммо солиқларнинг моҳияти ва функциялари тўғрисида ягона фикр йўклиги бу борада илмий изланишларни зарур қилиб қўймоқда.

Профессор К.Яхёев ўзининг «Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти» дарслигида солиқ функциялари тўғрисида фикр юритиб «солиқларнинг функциялари уларининг моҳиятини, амалиётда ҳаракат қилаётганлигини кўрсатади. Шундай экан, функция доимо яшаб, солиқ моҳиятни кўрсатиб туриши зарур»¹⁰ - дейди. Бизнинг фикримизча, функция солиқ моҳиятини ўзида акс эттириши лозим. Чунки, бугун пайдо бўлиб эртага йўқ бўлиб кетадиган функциялар солиқ моҳиятини ўзида тўлиқ акс эттирмайди. Зеро, солиқ функциялари доимий, қатъий тақрорланиб, турадиган бўлиши лозим. Демак шундай услубий ёндашувдан келиб чиқиб, солиқлар функциясини аниқлаш керак.

Солиқнинг фискал функцияси орқали солиққа тортишнинг асосий вазифаси, яъни давлатнинг молиявий маблағларининг шаклланиши, шунингдек давлатнинг умудавлат ва мақсадли вазифаларини амалга ошириш учун маблағларни жамғариш ишларини амалга оширади. Солиқнинг қайта тақсимлаш функцияси орқали давлат ўз тасарруфида ишлаб чиқарилган ЯИМнинг бир қисмини солиққа тортиш йўли билан қайта тақсимлайди. Солиқларнинг фискал функцияси ва тақсимлаш функциялари уйғунлашади, десак хато қилмаймиз. Солиқлар тўғрисидаги дарсликларда қайд этилишича, корхоналарнинг қўшилган қиймати ёки даромадлари аввал тақсимланади, сўнгра бюджетга тўланади. Аниқроқ қилиб айтсак аввал ишлаб чиқарувчилар манфаатлари таъминланади ва кейин даромадларнинг бир қисми бюджетга солиқ сифатида ўтказилади.¹¹

Бундан ташқари, солиқларнинг тақсимловчилик функцияси аҳолининг турли қатламлари ўртасида умумий даромадларнинг қайта тақсимланиши нуқтаи назаридан ижтимоий функцияни ҳам бажаради, деган қарашлар ҳам мавжуд.


ривожланиши. - Тошкент: Укитувчи, 1996. - Б. 158.

¹⁰ Яхёев К- Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. - Тошкент: Фан ва технологиялар, 2003. - Б. 14.

¹¹ Яхёев К. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. - Тошкент: Фан ва технологиялар, 2003. - Б. 15.

Солиқ тизими орқали «..алоҳида ижтимоий гуруҳлар ўртасида тенгсизликни камайтириш мақсадида уларнинг даромадлари бўйича ўзаро муносабатларни ўзгартириш йўли билан ижтимоий мувозанат қўллаб-қувватлашга эришилади..».¹² Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак солиқ юкини имконияти юқори бўлган солиқ тўловчиларга кўпроқ тушиши ҳисобидан фуқароларнинг ижтимоий ёрдамга муҳтож қисми фойдасига маблағлар олиниши содир бўлади.

Юқоридаги фикр мулоҳазалардан келиб чиқиб, тижорат банкларини солиққа тортиш масаласи бошқа хўжалик юритувчи субъектларни солиққа тортишга нисбатан фарқли ўлароқ ўзига хос хусусиятларга эга. Бу ўзига хослик тижорат банклари солиқ тизимида иккита бир-бирига мос бўлмаган ролни ўйнашда намоён бўлади. Аввало, банклар солиқ тўловчилар билан давлат ўртасида, солиқларни ундирилиши ва уни назорат қилиш юзасидан воситачи ҳисобланади. Шу билан тижорат банкларини ўзлари ҳам бир қанча солиқларни тўловчиси ҳисобланади. Бу жараёнларни тўлиқ ўрганиш мақсадида қуйидаги расмда тасвирлаймиз:



1.1.1-расм. Тижорат банклари бошқа хўжалик юритувчи субъектларни солиқларини ундиришдаги роли¹³

Шу боис тижорат банкларини солиққа тортишни объектив зарурлиги масалаларига ўз эътиборимизни қаратишимиз мақсадлидир. Шу ўринда солиққа тортишнинг умумий услубий масалаларига, қисқача бўлсада, тўхталиб ўтиш муҳим масалалардан биридир.

¹² Булатов А. Экономика. - Москва: Бек 1994. - С. 309.

¹³ Комолов О.С. Тижорат банкларини солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш масалалари. Иқтисод фанлари номзоди... дисс. Автореферати. – Тошкент, 2008. – 17 б.

Солиққа тортишнинг умумий характердаги масалаларини биз томондан кўриб чиқилиши лозим бўлган муаммолар доирасида чиққанлиги учун биз онгли равишда муаммонинг бир неча йўналишларига қисқача ўз эътиборимизни қаратамиз. Улар қуйидагилардан иборатдир:

- солиқларнинг иқтисодий табиати ёки моҳияти;
- солиқларнинг бошқа тўловлар ва ажратилганлардан афзалликларини аниқлаб берувчи характерли белгилари;
- солиқларнинг олиниш механизми.

Шу муносабат билан солиқларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, солиққа тортиш тамойиллари ва услублари, уларнинг роли ва турлари одатда, жамиятнинг иқтисодий сиёсати билан белгиланишини таъкидлаб ўтиш керак. Шунинг учун ҳам иқтисодиётнинг классиклари жамият тараққиётининг иқтисодий муаммоларини тадқиқ эта бориш жараёнида улар солиқларнинг моҳияти ва уларнинг иқтисодий табиати масалаларига алоҳида эътибор бердилар.

Юқоридаги мулоҳазаларда солиқларнинг моҳиятини ифодаловчи солиқларга хос бўлган барча характерли хусусиятлар ўз аксини топган. Шу ўринда солиқларга хос бўлган хусусиятлар тўғрисида қисқача бўлсада тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ топдик. Бизнинг фикримизча, улар қуйидагилардан иборат. Жумладан:

- ❖ қонун йўли билан белгиланиши;
- ❖ солиқларнинг олиниши натижасида мулкчилик шаклининг ўзгариши қийматнинг бир томонлама ҳаракатланиши;
- ❖ мажбурийлиги, солиққа тортишни давлат томонидан тартибга солиниши;
- ❖ ноэквивалентлик;
- ❖ ижтимоий қайтарувчанлик;
- ❖ мамлакатнинг олий органи томонидан жорий этилиши ва бекор қилиниши.


Маълумки, солиқлар ёрдамида янгидан яратилган қийматнинг бир қисми давлат бюджети даромадининг асосий манбаига айланади. Бизнинг фикримизча, тўловлар ва ажратмаларга нисбатан солиқлар бир неча афзалликларга эга бўлиб, улар қуйидагилардан иборат. Булар:

- ❖ солиқларнинг универсал характериға эга эканлиги;
- ❖ жамият учун зарур бўлган йўналишда юридик ва жисмоний шахсларнинг моддий манфаатларига ўз вақтида таъсир этишнинг қўламли ва қулайроқ имкониятини мавжудлиги;
- ❖ хўжалик юритувчи субъектлар билан давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солишнинг (мувофиқлаштиришнинг оқилона) имкониятларини мавжудлиги;
- ❖ тармоққа ва мулкчилик шаклига боғлиқ бўлмаган ҳолда хўжалик юритувчи субъектларни алоҳида белгиланган тартибда солиққа тортилиши;
- ❖ солиқ тўловчилар фойдасини солиққа тортишни юқори чегараларининг қатъий ўрнатилиши;
- ❖ юридик шахсларни бюджет билан бўлган алоқаларида тўғридан тўғри алоқаларини ўрнатилиши ва бошқалар.

Тижорат банкларини солиққа тортишнинг объектив зарурлиги муҳокама этилаётган вазиятда солиқларнинг бу афзалликлари эътибордан четда қолмаслиги керак.

Ҳар бир давлатнинг асосий тамойилларидан бири, вужудга келиш манбаидан қатъий назар барча фойда солиққа тортилишининг зарурийлигидир ёки шу нарсанинг мажбурийлигидир. Бу тамойил ҳар бир давлат солиқ тизимининг асосий негизини ташкил этади. Бу тамойилни шу давлат доирасида фаоллик кўрсатувчи ҳар бир хўжалик юритувчи субъект (жумладан тижорат банклари ҳам) тўла тўқис идрок этмоғи лозим. Бизнингча, бошқа шароитлар тенг бўлган шароитда, солиқ тизими олдиға қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажарилиши, кўзланган мақсадларға самарали эришиш ҳам шу тамойилнинг тўғри идрок этилиши билан белгиланади.

Тижорат банкларини солиққа тортишни кузатадиган бўлсак улар умумдавлат солиқлари ва маҳаллий солиқларнинг белгиланган турлари бўйича тўловларини амалга оширадilar. Буни куйидаги 1.1.2-расм орқали тасвирлаш мумкин.



1.1.2-расм. Тижорат банклари томонидан давлат бюджетга тўланадиган солиқлар¹⁴

Сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ сиёсатида асосий эътибор солиқ тўловчилардан шу жумладан, тижорат банкларидан ҳам босқичма босқич солиқ юкини пасайтириш масаласига эътибор қаратилмоқда. Дарҳақиқат, фойда солиғига оид солиқ ставкаларидаги босқичма босқич пасайиш тенденциясини солиқ тўловчилар учун солиқ юкини пасайиш тенденциясини солиқ тўловчилар учун солиқ юкини камайиш борасидаги муҳим ишлардан бири

¹⁴ Комолов О.С. Тижорат банкларини солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш масалалари. Иқтисод фанлари номзоди... дисс. Автореферати. – Тошкент, 2008. – 17 б.

деб қараш мумкин. Лекин бунга қарамасдан ҳозирда республикамиз банк фойдасини солиққа тортиш объектининг белгиланиши бўйича турли муаммолар мавжуд. Тижорат банкларини фойдасидан олинадиган солиқнинг бюджетга тўлиқ ундирилаётгани бугунги солиқ механизмида бир неча камчиликлари мавжуд эканлиги яққол кўриниб қолди. Сабаби, тижорат банкларини тўлаётган фойда солиғида фойда билан биргаликда ва солиқ солинадиган базага қайта қўшилувчи айрим харажатлар ҳам мавжуд.

Юқоридаги мулоҳазалардан сўнг энди бевосита эътиборни тижорат банклари томонидан тўланаётган солиқларни объектив зарурлиги бугунги кунда нечоғлик аҳамиятга эга эканлигини кўриб турибмиз. Бизнингча, тижорат банкларини албатта солиққа тортиш зарур. Бу фикримизни қуйидаги тартибда асослаб беришимиз мумкин. Хусусан:

биринчидан, тижорат банкларини солиққа тортиш, солиқ тамойилларидан бири бўлган манбадан қатъий назар фойдадан солиққа тортиш мажбурий дейилган тамойилга мослиги;

иккинчидан, солиқ функцияси нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак тартибга солувчи функцияси иқтисодиётда тижорат банклари фаолиятини тартибга солиб боришлиги ҳамда рағбатлантириш функцияси орқали банкларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлашга, инвестицион фаолиятнинг жадаллашишини рағбатлантиради;

учинчидан, тижорат банклари бошқа хўжалик субъектлари сингари молиявий аҳволига қараб солиққа тортилади. Шундай экан, улар бюджет олдидаги ўз мажбуриятларини бошқа хўжалик субъектлари сингари бажариши шарт;

тўртинчидан, ҳар бир давлат бюджетининг харажат гуруҳлари, хусусан, мудофаа, хавфсизликни сақлаш, тартиб-интизом ўрнатиш, бозор инфратузилмасини яратиш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, соғлиқни сақлаш ва бошқа бир қатор харажатларини маблағ билан таъминлашга тижорат банкларидан томонидан тўланадиган солиқлардан шаклландиган даромадлар ҳам йўналтирилади;

бешинчидан, бюджет манфаатлари нуқтаи назаридан қаралганда тижорат банкларининг фойдасини солиққа тортиш мақсадга мувофиқдир. Сабаби, бюджет тақчиллиги шароитида тижорат банклари бюджет тақчиллигини қоплашда давлат бюджети ва корхоналар ўртасида воситачилик хизматини амалга оширади ва шу орқали бюджет камомадини тўлдиришга иштирок этади;

олтинчидан, давлат томонидан тижорат банкларини тартибга солиб туради ҳамда солиқнинг бошқаришга қулайлилик тамойилига мос равишда мамлакат тижорат банклари ўртасида эркин рақобат муҳитини юзага келтиради.

Шундай қилиб, юқоридаги фикр мулоҳазаларимиздан кўриниб турибдики, тижорат банкларини солиққа тортиш тамойили мана шу омилларга боғлиқ экан. Бу омилларнинг ҳаммаси тижорат банкларини солиққа тортишнинг объектив зарурлигини кўрсатаётир.

1.2. Тижорат банкларини солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон Республикасида Солиқ сиёсати Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий ривожланишнинг беш тамойили асосида ташкил этилган бўлиб, солиқ соҳасида самарали чора – тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз солиқ сиёсатининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси, “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуни, бошқа солиққа оид қонунлар, Президентимиз фармонлари ва қарорлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлардан иборат.

Мамлакатимизда 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси кучга киритилди. Ушбу Кодекс солиқлар ва мажбурий тўловларни белгилаш, жорий этиш, ҳисоблаб чиқариш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ва мдавлат мақсадли жамғармаларига тўлаш билан боғлиқ муносабатларни, шунингдек солиқ мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

Ўзбекистон Республикасидаги барча солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ушбу Кодекс билан белгилананди, ўзгартирилади ёки бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 5 – моддасига биноан, Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари солиқ солишнинг мажбурийлиги, аниқлиги, адолатлилиги, солиқ тизимининг ягоналиги, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ошкоралиги ва солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси тамоилларига асосланади.

Эътиборлиси шундаки, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлар қисми бўйича тушумлар ижросини бажаришда тижорат банкларининг ҳиссаси сезиларли ўрин эгаллайди. Бизга маълумки, ҳар бир тижорат банки ўз фаолиятини амалга ошириш давомида юқори фойда олишга ҳаракат қилади. Банкларнинг оладиган фойдасининг юқори бўлиши эса бюджетга тўланадиган солиқлар миқдорининг ҳам мос равишда юқори бўлишига олиб келади. Бу ўз навбатида, бюджет даромадларининг ошишига асос бўлади. Масалан, диссертация ишимнинг объекти бўлган биргина АТИБ “Ипотекабанк”нинг Миробод филиали томонидан 2012 йил давомида бюджетга тўлаб берилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар 531 916 366,19 сўмни ташкил этган бўлиб, ушбу тўлаб берилган солиқ тўловларининг 15 фоиздан юқори улуши фойда солиғи тўлови ҳисобига тўғри келади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда мавжуд тижорат банкларида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг қуйидаги турлари амал қилиб келмоқда:

1. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
2. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
3. Қўшилган қиймат солиғи;
4. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
5. Мол – мулк солиғи;
6. Ер солиғи;
7. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи.

Бошқа мажбурий тўловларга қуйидагилар киради:

1. Ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар:

- ягона ижтимоий тўлов;

- фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари;

- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар;

2. Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар;

3. Молия Вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига тўловлар.

Республикада тижорат банклари учун босқичма – босқич солиқ юкини пасайтириш, солиқ имтиёзи орқали ишлаб чиқришни ривожлантириш, макроиктисодий кўрсаткичларни барқарорлаштириш ва мувозанатлаштириш каби бир нечта амалий тадбирлар олиб борилмоқда.

Эътиборлиси шундаки, Президентимиз И.А. Каримовнинг 2009 йил 28 июлдаги “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаш-тиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ – 1166 – сонли, 2011 йил 11 мартдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ – 1501 – сонли қарорлари ҳамда 2008 йил 19 ноябрдаги “Тижорат банкларига иқтисодий ночор корхоналарни реализация қилиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ – 4010 – сонли фармойиши тижорат банкларига бўлган эътибор ва ишлаб чиқришни ривожлантиришда тижорат банклари ёрдамида амалга оширилаётганлиги яққол мисол бўла олади.

Президентимизнинг 2009 йил 28 июлдаги “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ – 1166 – сонли қарорига асосан тижорат банклари қуйидаги имтиёзларга эга бўлдилар:

2015 йилнинг 1 январигача тижорат банклари кредит портфели таркибида узок муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб табақалаштирилган ставкалар бўйича фойда солиғи тўлаш, яъни кредит портфели таркибида узок муддатли инвестициявий молиялашнинг улуши 35 дан 40 фоизгачани ташкил этганда 80 фоиз, 40 фоиздан 50 фоизгачани ташкил этганда 75 фоиз ва 50 фоиздан юқорисини ташкил этганда 70 фоиз миқдорида амалдаги фойда солиғи ставкасига нисбатан табақалаштирилган имтиёз ставкаларидан фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларининг Марказий банкдаги юридик шахсларнинг жалб этиладиган депозитлари бўйича қуйидаги жалб этиш муддатларидан келб чиққан ҳолда, яъни муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар бўйича – умумжорий этилган нормаларнинг 80 фоиз миқдорида ва муддати 3 йилдан ортиқ депозитлар бўйича – умумжорий этилган нормаларнинг 70 фоиз миқдорида мажбурий захиралари нормаларининг ставкаларини табақалаштирилган ставкаларда тўлаш йўлга қўйилган.

Шу билан бирга, тижорат банкларининг депозитларига ва қимматли қарз қоғозларига 1 йилдан ортиқ муддатга жойлаштиришдан олинадиган фоизли даромадлари бўйича юридик шахслар беш йил муддатга солиққа тортишдан тижорат банклари аввал берилган кредитларни тўлаш ҳисобига ундириб олинадиган мулкни сотишда қўшилган қиймат солиғи тўлашдан ҳамда лизинг операцияларидан тушадиган даромадлар 2009 йил 1 сентябрдан бошлаб уч йил муддатга фойда солиғи тўловидан озод этилди.

Тижорат банклари томонидан, жумладан, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва йўлга қўйиш ҳамда маҳсулотларни сотишда муваффақиятли иш тажрибасига эга бошқа инвесторлар иштирокида янги ташкил этилган корхоналарга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги “Тижорат банкларига иқтисодий ночор корхоналарни реализация қилиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ – 4010 – сонли Фармойишига мувофиқ қуйидаги солиқ имтиёзлари тадбиқ этиб келинмоқда:

- Банкрот корхоналарни ёки уларнинг мол – мулкларини тижорат банклари мулкига топшириш, сотиш, уни хўжалик субъектлари устав фондига киритиш, шунингдек банкрот корхона мол – мулки базасида янгидан ташкил этилган хўжалик субъектларини кейинги навбатда банклар томонидан реализация қилишда қўшилган қиймат солиғига тортишдан озод этилди;

- Банкрот корхона мол – мулки базасида янгидан ташкил этилган хўжалик субъектлари фойда солиғи, ягона солиқ тўлови, мол – мулк солиғи ва ер солиғидан бўшаган маблағларни модернизациялашга, техник ва техналогик жиҳатдан қайта жиҳозлашга ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга мақсадли йўналтириш шарти билан, улар стратегик инвесторга сотилгунга қадар, лекин давлат рўйхатидан ўтгандан бошлаб уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озод этилди;

- Тижорат банклари томонидан таъсис этиладиган бошқарув компаниялари давлат рўйхатидан ўтгандан бошлаб дастлабки икки йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўловидан озод этилди.

2011 йил 11 мартдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ – 1501 – сонли қарорига мувофиқ, тижорат банкларининг имтиёзли кредит бериш махсус Жамғармаси ресурслари ҳисобидан кредит беришдан олинadиган тижорат банкларининг даромадалри бўшайдиган маблағларни мазкур жамғарманинг ресурс базасини оширишга мақсадли йўналтириш шарти билан, тижорат банклари фойдасидан тўланадиган фойда солиғидан 2011 йил 1 апрелдан бошлаб 2016 йил 1 январигача озод этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида ҳам бир қатор имтиёзлар берилган. Яъни, тижорат банкларида солиқ солинадиган фойда қуйидагиларга камайтирилиши мумкинлиги кўрсатилган:

- экология, соғломлаштириш ва ҳайрия жамғармаларига, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига, таълим муассасаларига, маҳаллий давлат

хокимияти органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бериладиган бадаллар, хомийлик ва хайрия тариқасидаги маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган фойданинг икки фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида коллежлар, академик лицейлар, мактаблар ва мактабгача тарбия таълим муассасалари қурилишига йўналтирилган маблағлар суммасига, лекин солиқ солинадиган фойданинг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;

- ишлаб чиқаришни модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, янги технологик жиҳоз харид қилишга, ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтиришга, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишга, шунингдек ушбу мақсадлар учун олинган кредитларни узишга, лизинг объекти қийматининг ўрнини қоплашга йўналтириладиган маблағлар суммасига, тегишли солиқ даврида ҳисобланган амортизацияни чегириб ташлаган ҳолда, бироқ солиқ солинадиган фойданинг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда. Солиқ солинадиган фойдани камайтириш юқорида кўрсатиб ўтилган харажатлар қилинган солиқ давридан эътиборан, технологик жиҳоз бўйича эса у фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан беш йил ичида амалга оширилади.

- Ўтган солиқ даврларида кўрилган зарарлар суммасига жорий солиқ давридаги солиқ солинадиган фойдани камайтиришга ҳақли, лекин солиқ солинадиган фойданинг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда. Солиқ тўловчи кўрилган зарарларни ушбу зарар кўрилган солиқ давридан кейинги беш йил ичида амалга оширишга ҳақлидир;

- Банкларнинг солиқ солинадиган фойдаси жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлар ҳамда жойлаштирилган жамғарма сертификатлари ҳажмларининг кўпайган суммасига бўшаган маблағларни юқорида кўрсатилган омонатлар бўйича фоиз ставкаларини оширишга мақсадли йўналтириш шарти билан камайтирилади.

Юқорида такидлаб ўтилган солиқ имтиёзлари нафақат банкларнинг ривожланишига ва фойдасининг ошишига, балки бошқа хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқаришнинг ривожланишига ҳам ўз ҳиссасини қўшади.

Ҳозирги кунда Республикамиз солиққа тортиш тизими ривожланиб ҳамда такомиллашиб бормоқда. Худди шундай фикирни тижорат банклари даромади (фойда) ни солиққа тортиш масалалрига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Шакилланган даромад ёки фойданинг давлат ва тижорат банклари ўртасида оптимал тақсимланиши тижорат банкларининг ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Шунинг учун ҳам бозор муносабатлари тизимида тижорат банкларининг муваффақиятли фаолият кўрсатиши улар даромадини ёки фойдасини солиққа тортиш тизимининг таъсирига бевосита боғлиқдир.

1.3. Тижорат банклари томонидан тўланадиган солиқларнинг турлари ва уларни ҳисоблаш тартиби

Мустақиллик йилларида мамлакат иқтисодиётини эркинлаштириш ва модернизациялашга йўналтирилган кенг кўламли иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада мустаҳкам ва барқарор банк тизимини шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида мамлакатда амалга оширилаётган солиқ сиёсатининг устувор йўналишларидан бири тижорат банкларидан солиқ юкини босқичма-босқич пасайтиришга қаратилган. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш босқичида тижорат банкларининг молия бозоридаги капиталлашуви янада оширилиб, инвестицион фаоллиги юксалмоқда.

Тижорат банкларида солиқларни ҳисоблаш ва уларни тўлаб беришда тижорат банклари томонидан олинаётган даромадларни ва харажатларни ҳисоблаш жуда зарур. Солиқларни ҳисоблаш учун тижорат банкларининг даромадлари ва харажатлари тўлов вақти ҳамда пулнинг келиб тушиши

санасидан қатъий назар, улар қайси даврга тааллуқли бўлса, ўша ҳисобот даврида акс эттирилади.

Тижорат банкларини давлат бюджетига солиқларни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига асосланган ҳолда ҳисобланиб, ҳисоблаб чиқарилган маблағлар мазкур кодексда кўрсатилган муддатларда давлат бюджетига тўлаб берилади.

1. Тижорат банкларининг фойда солиғини ҳисоблаш тартиби.

Тижорат банклари фойда солиғини ҳисоблашда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 162 – моддасида кўрсатилаганидек, календар йил солиқ даври ва йилнинг чорақлари ҳисобот даврилари бўлиб ҳисобланади. Тижорат банкларининг фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда тижорат банкларининг барча даромадлари ва харажатлари орасидаги фарқи сифатида солиқ кодексини 158 ва 159 – моддаларида инобатга олинган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган имтиёзлар чегирилган ҳолдаги фойда солиғини солиқ солинадиган базасидан ва белгиланган ставкадан (ҳозирги кунда тижорат банклари учун фойда солиғи ставкаси 15%) келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Тижорат банклари фойда солиғининг ҳисоб-китоби давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи якун билан йилнинг ҳар чорагида ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилади.

2. Тижорат банкларининг қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш тартиби.

Тижорат банклари қўшилган қиймат солиғини солиқ кодексининг 209 – моддасида такидланган қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган молиявий хизматлар дан ташқари тижорат банклари томонидан кўрсатилган молиявий хизматлари учун қўшилган қиймат солиқларини белгиланган ставкадан (ҳозирги кунда қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20%) келиб чиқиб ҳисоблайдилар. Тижорат банклари қўшилган қиймат солиғини ҳар ойда ҳисоблаб, кейинги ойнинг 25 санасигача ҳисоботларини солиқ инспекциясига топшириб,

туловларини давлат бюджетига тўлаб берадилар, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилади.

3. Тижорат банклари сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоблаш тартиби.

Тижорат банклари сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиғини солиқ кодексининг 259 – моддасига асосан фойдаланилган сувнинг ҳажми солиқ туланадиган база сифатида олиниб ҳисоблайдилар. Тижорат банкларида сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан олинган сув ҳажми сувдан фойдаланишнинг бухгалтерия (бирламчи) ҳисобга олиш ҳужжатларида акс эттирилган сув ўлчагич асбобларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

Тижорат банкларида сувдан ўлчагич асбобларсиз фойдаланилган тақдирда, унинг ҳажми сув объектларидан сув олиш лимитларидан, сув истеъмолининг технологик ва санитария нормаларидан, экинлар ҳамда дов-дарахтларни суғориш нормаларидан ёки маълумотларнинг тўғрилигини таъминловчи бошқа усуллардан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўланадиган солиғининг умумий суммаси йилнинг бир чорагида энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан кўпни ташкил этадиган тижорат банклари ҳар ойда сув солиғини ҳисоблаб давлат бюджетига тўлаб берадилар.

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўланадиган солиғининг умумий суммаси йилнинг бир чорагида энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан камни ташкил этадиган йил чораги сув солиғини ҳисоблаб давлат бюджетига тўлаб берадилар.

Тижорат банклари сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сон Қарори билан тасдиқланган “Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ Ставкалари” қарорга асосан белгилаб олинади.

4. Тижорат банкларининг мол – мулк солиғини ҳисоблаш тартиби.

Тижорат банкларининг асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича - асосий воситалар ва номоддий активларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати. Асосий воситалар ва номоддий активларнинг қолдиқ қиймати ушбу мол-мулкнинг бошланғич (тикланиш) қиймати билан тижорат банкларининг ҳисоб-сиёсатида белгиланган усуллардан фойдаланилган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амортизация ҳажми ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Тижорат банкларида мол – мулк солиғини солиқ солинадиган базаси солиқ солиш объектларининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (ўртача йиллик қиймат) ҳисобот давридаги ҳар бир ойнинг охириги кундаги ҳолатга кўра солиқ солиш объектларининг қолдиқ қийматларини (ўртача йиллик қийматларини) қўшишдан олинган сумманинг ўн иккидан бир қисми сифатида ортиб борувчи яқун билан аниқланади.

Тижорат банкларида мол – мулк солиғининг календар йил солиқ даври ва йил чорақлари солиқ ҳисобот даври ҳисобланади.

Тижорат банкларининг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш юқорида кўрсатиб ўтилган солиқ солинадиган базадан ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сон Қарори билан тасдиқланган “Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ Ставкаси” қарорига асосан белгиланган(ҳозирги кунда тижорат банклари учун 3,5%) ставкадан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Тижорат банклари мол - мулк солиғининг ҳисоб-китоби давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи яқун билан йилнинг ҳар чорагида ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилади.

5. Тижорат банкларининг ер солиғини ҳисоблаш тартиби.

Тижорат банкларининг мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида тижорат банкларининг ихтиёридаги ер участкалари солиқ солиш объектидир.

Тижорат банкларининг ер участкаларининг солиқ солинмайдиган ер участкалари майдонлари чегириб ташланган ҳолдаги умумий майдони солиқ солинадиган базадир.

Тижорат банкларида ер солиғи учун календар йил солиқ ва ҳисобот даври ҳисобланади.

Тижорат банкларида ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган базадан ва Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сон Қарори билан тасдиқланган “Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи Ставкалари” қарорига асосан белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Тижорат банкларида ер солиғи ҳар бир солиқ даврининг 1 январига бўлган ҳолатга кўра ҳисоблаб чиқарилади ва ер солиғининг ҳисоб-китоби ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилининг 15 февралига қадар тақдим этилади.

6. Тижорат банкларининг ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаш тартиби.

Тижорат банкларида ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаш тижорат банкларидан олинадиган фойда солиғи чегирилганидан кейин тижорат банки ихтиёрида қоладиган фойда солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган базадир.

Тижорат банкларида ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи учун календар йил солиқ даври ва йил чораклари ҳисобот даври ҳисобланади.

Тижорат банкларида ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи солиқ солинадиган базадан ҳамда белгиланган (ҳозирги кунда тижорат банклари учун ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ставкasi 8%) ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Тижорат банклари ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг ҳисоб-китоби давлат солиқ хизмати органларига

ортиб борувчи якун билан йилнинг ҳар чорагида ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилади.

Тижорат банклари фаолият юритиш жараёнида давлат бюджетига солиқ тўловлари билан бир каторда қуйидаги бошқа мажбурий тўловларни ҳам амалга оширадилар:

1. Тижорат банкларини ягона ижтимоий тўловини ҳисоблаш тартиби.

Тижорат банклари ягона ижтимоий тўловларни тўлашда солиқ кодексига асосланган ҳолда амалга оширадилар. Бунга кўра тижорат банкларининг ходимлари учун тўлаб берадиган иш ҳақи тарзидаги даромадлар ягона ижтимоий тўловнинг солиқ солиш объектидир.

Тижорат банкларида ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш учун солиқ солинадиган база ходимларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган ҳолда тўланадиган даромадлар суммаси сифатида белгиланади.

Тижорат банкларида ягона ижтимоий тўловнинг календар йил солиқ даври ва ҳар ой ҳисобот даври бўлиб ҳисобланади.

Тижорат банкларида ягона ижтимоий тўлов ҳар ойда солиқ солинадиган базадан ҳамда белгиланган (ҳозирги кунда тижорат банкларида ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25%) ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Ягона ижтимоий тўлов тижорат банкларининг маблағлари ҳисобидан тўланади. Тижорат банклари учун ягона ижтимоий тўловнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига тижорат банклари томонидан ортиб борувчи якун билан ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

2. Тижорат банкларини фуқароларнинг бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўловини ҳисоблаш тартиби.

Тижорат банклари фуқароларнинг бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўловларини тўлашда солиқ кодексига асосланган ҳолда амалга оширадилар. Бунга кўра тижорат банкларининг

ходимлари учун тўлаб берадиган иш хақи тарзидаги даромадлар фуқароларнинг бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўловининг солиқ солиш объектидир.

Тижорат банкларида фуқароларнинг бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўловини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ солинадиган база ходимларга иш хақи ва унга тенглаштирилган ҳолда тўланадиган даромадлар суммаси сифатида белгиланади.

Тижорат банкларида фуқароларнинг бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўловининг календар йил солиқ даври ва йил чораги ҳисобот даври бўлиб ҳисобланади.

Тижорат банкларида фуқароларнинг бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлов ҳар чорақда солиқ солинадиган базадан ҳамда белгиланган (ҳозирги кунда тижорат банкларида фуқароларнинг бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлови ставкаси 5,5%) ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Фуқароларнинг бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлови тижорат банкларининг ишчиларини иш хақи маблағлари ҳисобидан тўланади. Тижорат банклари учун фуқароларнинг бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўловининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига тижорат банклари томонидан ортиб борувчи якун билан ҳар чорақда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

3. Тижорат банкларининг бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар бўйича ҳисоблаш тартиби.

Тижорат банкларининг барча даромадлари, яъни Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 132 – моддасида кўрсатилган даромадлардан бошқа барча даромадлари бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган базасидир.

Тижорат банкларида бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар тўловининг календар йил солиқ даври ва ҳар ой ҳисобот даври бўлиб ҳисобланади.

Тижорат банкларида бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлов ҳар ойда солиқ солинадиган базадан ҳамда белгиланган (ҳозирги кунда тижорат банкларида бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлови ставкаси 1,6%) ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Тижорат банклари учун бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар тўловининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига тижорат банклари томонидан ортиб борувчи якун билан ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

4. Тижорат банкларининг Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар бўйича ҳисоблаш тартиби.

Тижорат банкларининг барча даромадлари, яъни Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 132 – моддасида кўрсатилган даромадлардан бошқа барча даромадлари Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган базасидир.

Тижорат банкларида Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловларининг календар йил солиқ даври ва ҳар ой ҳисобот даври бўлиб ҳисобланади.

Тижорат банкларида Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар ҳар ойда солиқ солинадиган базадан ҳамда белгиланган (ҳозирги кунда тижорат банкларида Республика йўл жамғармасига мажбурий тўлови ставкаси 1,4%) ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Тижорат банклари учун Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловларининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига тижорат банклари томонидан ортиб борувчи якун билан ҳар

ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

5. Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига тўловлар бўйича ҳисоблаш тартиби.

Тижорат банкларининг барча даромадлари Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига тўловлар солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган базасидир.

Тижорат банкларида Молия Вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига тўловларининг календар йил солиқ даври ва ҳар ой ҳисобот даври бўлиб ҳисобланади.

Тижорат банкларида Молия Вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига тўловлар ҳар ойда солиқ солинадиган базадан ҳамда белгиланган (ҳозирги кунда тижорат банкларида Молия Вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига тўловлар ставкаси 0,5%) ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Тижорат банклари учун Молия Вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига тўловларининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига тижорат банклари томонидан ортиб борувчи якун билан ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

2-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ СОЛИҚДА ТОРТИШНИ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

2.1. Тижорат банкларини умумдавлат солиқларига тортиш ҳолати

Республика солиқ тизимидаги мавжуд солиқларни бюджет бўғинлари ўртасида тақсимлашнинг амал қилиш механизмига кўра, уларнинг ҳар бирини у ёки бу бюджет бўғинига йўналтиришнинг ҳуқуқий базаси мавжуд. Шунга кўра республика бюджети даромадлари умумдавлат солиқлари ҳиссасига, маҳаллий бюджет даромадлари эса маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ҳисобига шаклланади. Бизнингча, бу жараён бир неча омиларни ҳисобга олган ҳолда амалиётда қўлланилиб келинмоқда. Солиқ тушумларини бюджетлараро тақсимлашни такомиллаштиришнинг асосий йўналиши юртбошимизнинг асарларида ўз аксини топган. Жумладан, солиқ тушумларини бюджетлараро тақсимлашни такомиллаштириш хусусида шундай дейди: “Муайян бюджетларни шакллантириш манбалари бўлган республика солиқлари билан маҳаллий солиқлар ўртасида аниқ чегара белгилаш солиқ тизимини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишидир”¹⁵.

Тижорат банкларидан умумдавлат солиқларини ундирилишини қуйидаги чизма орқали тасвирлаш мумкин.



2.1.1-расм. Тижорат банкларидан ундириладиган умумдавлат солиқлари¹⁶.

¹⁵ Каримов.И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б. 361.

¹⁶ Муаллиф томонидан тузилган.

Тижорат банклари учун фойда солиғи бўйича солиққа тортиш объекти бўлиб жами даромад билан фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботга мувофиқ чегирмалар ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланган, солиққа тортиш базасига қайта қўшилувчи харажатлардан иборатдир. Солиқ конунчилиги бўйича фойда солиғидан озод қилинадиган ушбу маблағ аҳоли муддатли омонатлари бўйича тўланадиган фоиз ставкаларини кўтаришга йўналтирилиши белгиланган.

Аҳолининг муддатли омонатлари (депозитлари)нинг ўсган қисмини аниқлашда базис даври сифатида ҳисобот йилининг боши қабул қилинади ва ўсган қисми сифатида эса 20406, 20606 ҳисоб рақамлари бўйича ҳисобот даврининг (чорак йил) боши ва охирининг фарқи олинади. Фойда солиғининг ҳисоб-китобига аҳоли муддатли омонатларининг ўсиши ҳисобига имтиёздан фойдаланишда ҳисоб-китоб маълумотномаси илова қилинади. Тижорат банкларининг имтиёзли кредит бериш махсус жамғармасининг олган даромадлари жамғарма ресурсларини оширишга йўналтирилган тақдирда, ушбу жамғарма ҳисобидан берилган кредитлари бўйича олинган даромадлар 5 йил муддатга фойда солиғидан озод қилинади. Солиқларни ҳисоблаш учун тижорат банклари даромадлари ва харажатлари тўлов вақти ва ҳисобот даврида акс эттирилади ва қуйидагиларга бўлинади:



2.1.2-расм. Тижорат банкларини фойда солиғига тортиш учун асос бўлган молиявий кўрсаткичлар¹⁷.

Ўстирмаслик мақомини олган кредит бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тартибга мувофиқ даромадлар ҳисоб рақамларидан чиқарилади.

Фойда солиғи ҳисоб-китоби тижорат банклар томонидан давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилади. Фойда солиғи ҳисоб-китобига фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот ҳамда барча зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотномалар илова қилиниши керак. Банк хорижий давлат фойда солиғини тўлаган ҳолларда ҳисобга олинadиган чет элда тўланган фойда

¹⁷ Муаллиф томонидан тузилган.

солиғи суммасининг ҳисоб-китоби тақдим этилиши лозим.

Тижорат банкларининг фойда солиғи тўловларини бюджетга киритиш тартиби ва муддати, фойда солиғини тўлов манбасида ушлаб қолиш, фойда солиғи бўйича ставкалар ва имтиёзларни қўллаш, тижорат банки ёки унинг солиқ тўловчи алоҳида бўлинмалари тугатилганда солиққа тортиш тартиби, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида тўланган солиқни ҳисобга олиш тартиби ва бошқа махсус қоидалар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси билан тартибга солинади.

Фойда солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китоб қилишнинг бухгалтерлик ҳисоби 56902 – “Фойда солиғини баҳолаш” баланс ҳисоб рақамида, “Фойда солиғи” алоҳида шахсий ҳисоб рақамида юритилади. Солиқ ҳисоб-китоби бўйича тижорат банки қуйидаги ўтказмани амалга оширади:

Дебет 56902 — “Фойда солиғини баҳолаш”;

Кредит 29806 — “Тўланадиган ушланган солиқ”;

Амалдаги тўловда банк қуйидаги ўтказмани бажаради:

Дебет 29806 — “Тўланадиган ушланган солиқ”;

Кредит 16103— “Филиал тижорат банкларининг вакиллик ҳисоб рақамидан олинadиган Ностро” ёки ДСИ ҳисоб рақами.

Бизнинг фикримизча, тижорат банкларининг барқарорлашишига, капиталлашув даражасини таъминловчи асосий кўрсаткич, бу-соф фойда ҳисобланади. Тижорат банки ихтиёрида қоладиган соф фойда миқдори уларга нисбатан қўлланилаётган солиқ ставкалари орқали таъминланади.

Мамлакатимиз тижорат банкларининг фойда солиғи ставкалари динамикаси қуйидаги жадвал маълумотларида келтирилган.



2.1.2-расм. Республикада тижорат банклари фойдасига солинадиган солиқ ставкалари динамикаси¹⁸ (фоиз ҳисобида)

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, мамлакатда юридик шахслар, хусусан, тижорат банклари фойдасига нисбатан қўлланиладиган солиқ ставкаларида пасайиш тенденцияси кузатилмоқда. Бундан кўзланган мақсад тижорат банклари фаолияти, уларнинг капиталлашув жараёнини яхшилашга хизмат қилади.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда, давлат бюджети даромадларида юридик шахслар томонидан давлат бюджетига тўланадиган фойда солиғи ҳажмида тижорат банклари томонидан тўланган солиқлар миқдорини қуйидаги муносабатлар орқали акс эттириш лозим.

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг 1998-2007 йиллардаги “Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва Давлат бюджети параметрлари прогнози тўғрисида”ги қарорлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

2.1.2-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари таркиби
(фоиз ҳисобида)**

Кўрсаткичлар	2008й.	2009й.	2010й.	2011й.	2012 й.
Бюджет даромадлари	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Бевосита(тўғри) солиқлар	49,0	46,2	44,8	45,8	44,8
Жами бюджет даромадларида фойда солиғи улуши	6,3	5,4	5,1	5,1	5,2
Жами фойда солиғида тижорат банкларининг фойда солиғи улуши	6,3	5,8	7,57	6,25	6,15

2.1.2-жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, давлат бюджети даромадаларида юридик шахслар фойда солиғи ҳажми ва шундан келиб чиққан ҳолда тижорат банклари томонидан тўланган фойда солиғи ҳажми қатъийбир тенденцияга эга эмас.

Биз юқорида тижорат банклари фойда солиғининг республикаимиз бюджети даромадларидаги юридик шахсларнинг фойда солиғидаги салмоғини кўриб чиқдик. Ундан шуни хулоса қилишимиз мумкинки, биргина солиқ ставкасининг камайтирилиши эвазига давлат бюджетига тижорат банклари томонидан тўланадиган солиқларнинг ортиб борганлиги кузатилди. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, солиқ ставкаси билан бирга солиқ базасига ҳам эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Энди биз юқоридаги фикрларга асосланиб, хусусан тижорат банклари томонидан тўланаётган фойда солиғининг таҳлилига эътиборни қаратамиз.

2.1.3-жадвал

Давлат бюджети даромадлари таркибидаги юридик шахсларнинг фойда солиғида тижорат банклари фойда солиғининг улуши ¹⁹

млн.сўм

Кўрсаткичлар	2010 й.	2011 й.	2012 й.
Юридик шахслар томонидан тўланадиган фойда солиғи суммаси, жами	446,1	588,8	629,3
Шу жумладан:			
Тижорат банкларининг фойда солиғи суммаси	35,4	40,4	53,4
% да	7,9	7	8,5

2.1.3-жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, давлат бюджети дароамдаларида юридик шахслар фойда солиғи ҳажми ва шундан келиб чиққан ҳолда тижорат банклари томонидан тўланган фойда солиғи ҳажми ҳам ўсиш тенденциясига эга. Хусусан, 2010 йилда юридик шахслар фойда солиғи 446,1 млн. сўми, тижорат банкларининг фойда солиғи 35,6 млн.сўми ташкил қилган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич мос равишда 629,3 млн.сўми ташкил этган. Яъни 2010 йилга нисбатан 2012 йилда тижорат банклари фойда солиғи 18,0 млн.сўм ёки 66,3 фоизга ўсганлигини кўришимиз мумкин.

Тижорат банклар томонидан давлат бюджетига тўланадиган умумдавлат солиқлари ичида қўшилган қиймат солиғи унчалик катта аҳамиятга эга эмас. Чунки тижорат банклари солиқ қонунчилигига кўра маълум операциялардангина қўшилган қиймат солиғи тўлайдилар. Лекин ҳозирги вақтда белгиланган операциялардан барча тижорат банклари ҳам қўшилган қиймат солиғи тўламайдилар. Қўшилган қиймат солиғининг иқтисодий моҳиятига кўра агар унинг тўловчиси қўшилган қиймат яратсагина, белгиланиши талаб этилади.

Тижорат банкларининг қўшилган қиймат солиғи ундириладиган хизматлари (операциялари)га қуйидагилар киради:

-инкассация (тижорат банклари, ташкилотлар ва муассасалар

¹⁹ Давлат Солиқ Қўмитасининг маълумотлари асосида ҳисобланди.

кассаларидаги нақд пулларни ва бойликларни йиғиш ҳамда уларни банк кассасига топшириш);

-қимматли қоғозларни сақлаш;

-банк ишига доир маслаҳат ва ахборот хизматларини кўрсатиш;

-ижара;

Амалдаги тартибга мувофиқ қуйидаги тижорат операциялари қўшилган қиймат солиғига тортилмайди:

а) ссудани бериш ва ўтказиш;

б) пул омонатлари, жорий ҳисоб рақамлар, тўловлар, ўтказмалар, чеклар ва бошқа қимматли қоғозларга доир операциялар;

в) қимматли қоғозлар муомаласига доир операциялар, (қимматли қоғозларни тайёрлаш ва сақлаш операциялари бундан мустасно);

г) Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасининг фан-техника дастурлари доирасидаги давлат контрактлари бўйича бажариладиган илмий тадқиқот ва инновация ишлари;

д) Бош банк буйруғи (фармойиши)га кўра бош банк ва унинг тижорат банк ҳисобланмайдиган филиаллари (бўлимлари) ўртасида мулкни ўтказиш (топшириш) бўйича оборотлар;

е) банкнинг қайта ташкил этилиши ва тугатилиши оқибатида мулкнинг банк муассислари ва акциядорлари ўртасида тақсимланиши бўйича оборотлар (ушбу қоида тугатилаётган банкнинг мулки бошқа шахсга сотилиши ҳолларига тааллуқли эмас);

ж) қимматбаҳо металларни уларни сақлаш ваколати берилган давлат органига сотиш бўйича оборотлар.

Товарлар (хизматлар, ишлар)ни бепул ёки қисман тўлов эвазига топширишда солиққа тортиладиган оборотнинг миқдори топшириш вақтида банкда юзага келган нархлар (таърифлар) даражасидан келиб чиқиб, унга қўшилган қиймат солиғини қўшмаган ҳолда, лекин ушбу товарларни сотиб олиш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун юзага келган амалдаги

харажатлардан кам бўлмаган миқдорда, асосий воситалар бўйича эса уларнинг қолдиқ қийматларидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

Товарлар (ишлар, хизматлар)ни бошқа тижорат банкга бепул топширишда уларни топширувчи банк тўловчи ҳисобланади.

Тижорат банки томонидан товарлар (ишлар, хизматлар)ни импорт қилишда солиққа тортиладиган базага божхона қонунчилигига мувофиқ белгиланадиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг божхона қиймати, шунингдек, товарлар (ишлар, хизматлар)ни импорт қилишда тўланиши лозим бўлган акциз солиғи, божхона божи қўшилади.

Мижозлар илгари ҳақи тўланган хизматлар ёки ишлардан бош тортган ҳамда харидорлар томонидан ҳисоб-китоб ва йўл ҳужжатлари тўланганидан кейин товарлар қайтарилган ҳолларда бундай операциялар бўйича бир йиллик даъво муддати сақланиб қолиши шарти билан солиққа тортиладиган айланма тўғриланади. Товарлар, ишлар, хизматларни сотишда қўшилган қиймат солиғининг суммаси қуйидаги формулага мувофиқ аниқланади:

$$C_{\text{ккс}} = O \times C/100$$

бу ерда:

$C_{\text{ккс}}$ - мижозлардан ундириладиган солиқ суммаси;

O - солиққа тортиш объекти;

C - қўшилган қиймат солиғи ставкаси.

Қўшилган қиймат солиғини ўз ичига олган нарх ва таърифлар бўйича хизматлар (товарлар, ишлар)ни сотишда солиқ қуйидаги 2-формулага мувофиқ аниқланади:

$$C_{\text{ккс}} \equiv H \times C/(CK100)$$

бу ерда:

H — қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олган ҳолдаги хизматлар (товарлар, ишлар) қиймати.

Қўшилган қиймат солиғи тижорат банклари томонидан 20 фоиз ставкаси бўйича тўланади.

Ҳисобот даври мобайнида сотиб олинган, жумладан, солиққа тортиладиган оборот ҳамда ноль ставкасидаги оборотда фойдаланиладиган, импорт қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) учун олинган ҳисоб рақам фактуралар бўйича тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси ҳисобга киритиладиган қўшилган қиймат солиғи суммаси бўлиб ҳисобланади.

Импорт қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобга олиш учун божхона юк баённомаси (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар далолатномалари) ва қўшилган қиймат солиғини ҳақиқатда тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатлари асос бўлади.

Қуйидаги солиқлар суммалари ҳисобга олинмайди:

- шахсий эҳтиёжлар учун сотиб олинган асосий воситалар, номоддий активлар бўйича;
- тижорат банкининг тижорат фаолияти билан боғлиқ бўлмаган сотиб олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича;
- қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган, банк томонидан хизмат кўрсатиш учун фойдаланиладиган сотиб олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича тўланган солиқлар.

Бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммасини белгилаш тартиби бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи сотилган товар (бажарилган ишлар, хизматлар) учун ҳисоблаб ёзилган қўшилган қиймат солиғи суммаси ва ҳисобга киритиладиган барча солиқлар суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Агар тижорат банклари қўшилган қиймат солиғига тортиладиган фаолият билан бирга қўшилган қиймат солиғига тортилмайдиган фаолиятни юритса, у ҳолда улар ушбу фаолият турлари бўйича харажатлар ва натижаларнинг алоҳида ҳисобини юритишлари лозим. Бунда харажатларни қўшилган қиймат солиғига тортиладиган ва тортилмайдиган операцияларга бўлиш, солиққа тортиладиган оборотнинг банк оборотлари умумий суммасидаги солиштирма салмоғига мувофиқ амалга оширилади.

Тижорат банклари томонидан бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи қуйидаги тарзда ҳисобланади:

1. Солиққа тортиладиган оборотнинг жами қиймати аниқланади - А.
Бунда ҳисобга қўшилган қиймат солиғининг ҳисоблаб ёзилган суммаси ҳисобга олинмаган ҳолда хизматлар (ишлар, товарлар) қиймати қабул қилинади;

2. Солиққа тортилмайдиган оборотнинг жами қиймати аниқланади - В.
Қўшилган қиймат солиғига тортилмайдиган хизматлар;

3. Банк томонидан қўшилган қиймат солиғига тўланадиган хизматларни сотишда ҳисоблаб ёзилган қўшилган қиймат солиғининг умумий суммаси - D қуйидагича аниқланади:

$$D=D_1+D_2$$

бу ерда:

D₁-20 фоиз ставкаси бўйича ҳисоблаб ёзилган солиқ суммаси;

D₂ — 0 фоиз ставкаси бўйича ҳисоблаб ёзилган солиқ суммаси;

4. Солиққа тортиладиган оборотга тааллуқли харажатлар бўйича ҚҚСни аниқлашда фойдаланиладиган - Р коэффициент аниқланади:

$$P=A / A + B$$

5. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ҳисобот даврида сотиб олинган товарлар, олинган ишлар, хизматлар бўйича ҚҚСга тортиладиган етказиб бериш харажатлари (ҳисобфактураларга мувофиқ) - Е аниқланади.

6. ҚҚСга тортиладиган, хизмат кўрсатиш, ишларни бажариш ва товарларни сотиш учун сарфланган банк харажатлари, жумладан, ноль ставкаси бўйича оборотлар суммаси аниқланади:

$$K = E \times P$$

7. Ҳисобга олинадиган ҚҚС суммаси аниқланади:

$$Z = K \times 20\text{фоиз} / (100\text{фоиз})$$

бу ерда 20 фоиз — қўшилган қиймат солиғи ставкаси.

8. C - банк томонидан бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи банкнинг солиққа тортиладиган хизматлари бўйича ҳисоблаб ёзилган қўшилган қиймат солиғи D ва ҳисобга олинadиган ҳисобот даври мобайнида сотиб олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи суммаси Z ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади:

$$C = D - Z$$

Қўшилган қиймат солиғини тўлаш тартиби

Ўсиб боровчи якун билан қўшилган қиймат солиғига доир ҳисоб-китоблар тижорат банклари томонидан солиқни рўйхатга олиш жойидаги солиқ органларига ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 25-кунидан кечикмаган ҳолда тақдим этилади. Йил якуни бўйича бундай ҳисоб-китоблар йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилади.

Қўшилган қиймат солиғи тижорат банклари томонидан тегишли давр (ой)даги сотишга доир амалдаги оборот асосида қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоб-китобларни топшириш учун белгиланган кундан кечиктирилмай тўланади.

Бюджетга тўлаш учун ҳисобланган солиқ суммаси ҳисоб-китоб бўйича ҳар ўн кунда тўланган суммадан кам бўлган ҳолларда тафовут суммаси олдинда турган навбатдаги тўловларни тўлашга киритилади.

Янги барпо этилган банклар ҳамда илгари тўловчи бўлмаган банклар фаолиятининг биринчи ойи учун солиқни амалдаги оборотдан келиб чиққан ҳолда тўлайдилар. Кейинги ойлarda қўшилган қиймат солиғи умумий белгиланган тартибда ҳисобланади ва тўланади.

Агар аввалги ҳисобот даврида ҳисобга киритилadиган қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисоблаб ёзилган солиқ суммасидан ортиқ бўлса, у ҳолда ушбу ортиқчалик ҳисобот давридан кейинги даврда ҳисобга олинади. Агар банк ҳисобот йили якуни бўйича ҳисобга киритилadиган қўшилган қиймат солиғи суммаси ортиқчалигига эга бўлса, у ҳолда ушбу ортиқчалик (сальдо қолдиқ) банкнинг ёзма аризасига кўра бошқа солиқ турлари бўйича тўлов ҳисоб рақамига киритилади.

Қўшилган қиймат солиғига тортиладиган ва ундан озод этилган хизматлар (товарлар, ишлар)ни кўрсатишда банклар қайд этилган хизматлар (товарлар, ишлар) кўрсатилувчи шахсга ҳисоб-фактура ёзиб бериши шарт. Қўшилган қиймат солиғидан озод этилган операциялар учун мижознинг шахсий ҳисоб рақамидан кўчирма ҳисоб-фактура бўлиб хизмат килади. Ҳисоб-фактуралар хизмат кўрсатиш (ишларни бажариш, товарни ортиш) санасидан кечикмаган ҳолда ёзиб берилади.

Ҳисоб-фактуралар тижорат банки томонидан мижоз номига камида икки нусхада тузилади, уларнинг бири товарни ортиш (ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш) санасидан кечикмаган ҳолда мижозга тақдим этилади ва унга қўшилган қиймат солиғи суммасини қонунчиликда белгиланган тартибда ҳисобга олиш (қоплаш) ҳуқуқини беради. Ҳисоб-фактуранинг иккинчи нусхаси банкда қолади. Ҳисоб-фактуралар тушумларни рўйхатга олиш ва тақдим этиш дафтарларида мажбурий тарзда ҳисобга олиниши керак.

Бевосита аҳолига хизматлар (товарлар, ишлар) кўрсатишда квитанция ёки хизмат кўрсатилганлигини (ишлар бажарилганлигини) тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар ҳисоб фактура бўлиб ҳисобланади.

Мижозга узлуксиз равишда хизматлар (ишлар, товарлар) кўрсатишда ҳисоб-фактуралар мижозга ҳисоб рақам расмийлаштирилаётган вақтнинг ўзида тузилади (лекин ойига камида бир марта). Бунда ҳисоб-фактуралар хизматлар (ишлар, товарлар) кўрсатилган ҳисобот даврида тузилади.

Лизингга берувчиларнинг лизинг операциялари ҳисобварақлари бўйича ҳисобварақ-фактураси бўлиб объектнинг лизингга бериш далолатномаси ҳисобланади. Бунда ҳар бир лизинг тўлови мос равишда алоҳида ҳужжат билан расмийлаштирилади (лизинг шартномасининг асосий қисми бўлган лизинг тўловларини тўлаш мундарижаси, ҳисобварақ, лизинг олувчига лизинг тўловларини тўлаши учун қўйилган эслатма ва ҳ.к.), шунинг учун ҳисобварақ-фактура қўшимча равишда ёзилмайди. Агарда шартномада лизингга берувчи томонидан қўшимча қўшилган қиймат солиғига

тортиладиган хизматлар кўзда тутилган бўлса, у ҳолда бундай хизматлар учун ҳисобварақ-фактураси белгиланган тартибда ёзилади.

Солиқ ҳисоб-китоби бўйича банк қуйидаги ўтказмани амалга оширади:

Дебет 56714 – “Солиқлар (фойда солиғидан бошқа) ва лицензиялар”

Дебет 29806 – “Тўланадиган ушланган солиқ”.

Амалдаги тўловда банк қуйидаги ўтказмани бажаради:

Кредит 29806 – “Тўланадиган ушланган солиқ”;

Кредит 10301 – “ЎЗМБ вакиллик ҳисоб рақамидан олинадиган-Ностро” ёки ДСИ ҳисоб рақами.

ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан тўланган фойда солиғи динамикаси кўрадиган бўлсак, буни биз қуйидаги жадвал маълумотларида яққол кўришимиз мумкин

2.1.4-жадвал

ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан тўланган фойда солиғи динамикаси (минг сўмда)²⁰

минг.сўмда

№	Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	2012 йил	Фарқи (%да) 2010 йилга нисбатан
1	Солиқ тўлангунга қадар соф фойда	19115,5	32205,7	32037,4	59,7
2	Фойда солиғи	2531,6	5369,8	6167,7	41,0

2.1.4-жадвал маълумотларидан айтиш мумкинки, солиқ тўлангунга қадар соф фойда 2010 йил 19115,5 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 32037,4 минг сўмни ташкил этган. Аммо 2011 йилда фойда солиғи динамикаси бир қадар юқори ўсишга эга бўлган. 2012 йил, 2010 йилган нисбатан 59,7 фоизга ўсган.

²⁰ ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг йиллик молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Фойда солиғи 2010 йилда 2531,6 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2012 йилда эса 6167,7 минг сўмни ташкил этган. Бундан кўриниб турибдики, фойда солиғи йил сайин ўсиб бориш тенденциясига эга.

Ундан шуни хулоса қилишимиз мумкинки, биргина солиқ ставкасининг камайтирилиши эвазига давлат бюджетига тижорат банклари томонидан тўланадиган солиқларнинг ортиб борганлиги кузатилди. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, солиқ ставкаси билан бирга солиқ базасига ҳам эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

2.1.5-жадвал

ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан 2010-2012 йиллар давомида тўланган умумдавлат солиқларнинг динамикаси²¹

(минг сўмда)

№	Солиқ турлари	2010 йил		2011 йил		2012 йил	
		сумма	%да	сумма	%да	сумма	%да
1	Юридик шахслардан олинган фойд солиғи	2545,8	24,5	6356,8	39,6	7119,4	34,8
2	Қўшилган қиймат солиғи	20,6	0,2	410,9	2,6	427,88	2,1
3	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	11,6	0,1	8,5	0,1	9,12	0,2
4	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратма	3154,2	30,4	4201,5	26,2	5889,3	28,8
5	Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратма	3163,4	30,5	3676,7	22,9	5153,2	25,2
6	Ўз.Рес. Молия Вакзирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига ажратма	1060,3	10,2	1313,2	8,2	1840,4	9,0
7	Бошқалар	425,1	4,1	79,8	0,5	0,9	0,01
	Жами:	10381,1	100	16047,5	100	20440,3	100

ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан 2010-2012 йиллар давомида тўланган умумдавлат солиқларнинг динамикаси таҳлил қилиб чиқадиган бўлсак, қўйидаги хулосани шакллантиришимиз мукин. Юридик шахслардан олинган фойд солиғи ва қўшилган қиймат солиғи ҳолати бўйича катий бир тенденцияни кўриш қийиндир. Ундан ташқари солиқлар ва бошқа

²¹ ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг йиллик молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

турдаги мажбурий тўловлар бўйича ҳам ўсиб бориш ёки камайиб бориш яъни йиллар бўйича тебраниб турган.

ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан 2010-2012 йиллар давомида тўланган умумдават солиқларнинг жамин нисбатан олдиған бўлса, бу ерда биз шуни гувоҳи бўлишимиз мумкинки, 2010 – 2012 йиллар давомида жами солиқлар ва мажбурий тўловлар суммаси ортиббрган.

Шундай қилиб, илмий изланишимизнинг иккинчи бобининг биринчи параграфида биз ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан умумдават солиқлари ва уларни ундириш тартиби билан танишдик ва таҳлил асосида тегишли хулосалар чиқардик. Бизнинг фикримизча, тижорат банкларини солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш пайтида давлат бюджетини тўлдиришда тижорат банкларини умумдават солиқларининг шакллантиришда ўз ижобий ролини ўйнайди. Шу билан биргаликда шуни таъкидлаш лозимки, тижорат банкларини маҳаллий солиқларининг тартибини ва таҳлилларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Шу боис, илмий ишимизнинг иккинчи бўлимида бевосита тижорат банкларини маҳаллий солиқларининг ундириш тартиби ва таҳлил қилиш масалаларини муҳокама қилишга бағишлаймиз.

2.2. Тижорат банкларидан ундириладиган маҳаллий солиқларнинг иқтисодий таҳлили

Маҳаллий солиқлар Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг муҳим таркибий қисмини ташкил этади. Маҳаллий солиқлар минтақани ривожлантириш манбаини вужудга келтириш табиий ва бошқа моддий ресурсларни шакллантириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолият кўрсатиши учун молиявий манба яратиш мақсадида жорий этилган. Маҳаллий солиқлар маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришда сезиларли улушга эга. Лекин маҳаллий бюджет давлат бюджет тизимининг алоҳида бўғини ҳисобланади. 1996 йилда маҳаллий бюджет даромадларининг

учдан бир қисмидан камроғи маҳаллий солиқлар ҳисобига шаклланган²². Тараққий этган мамлакатлар тажрибаси маҳаллий бюджет даромадларининг 60 фоизидан кўпроғи маҳаллий солиқлар ҳисобига шаклланишини кўрсатмоқда²³. Миллий иқтисодиётда тижорат асосида иш юритаётган барча хўжалик субъектлари қатори тижорат банклари ҳам амалдаги маҳаллий солиқларни ўз вақтида ва тўлиқлигича тўлаб келмоқда. Буни биз қўйидаги жадвал маълумотларидан ҳам кўришимиз мумкин.

2.2.1-жадвал

ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан 2010-2012 йиллар давомида жами солиқлар таркибида умумдавлат солиқлари ва маҳаллий солиқларнинг улуши²⁴.

(Фоизда)

№	Солиқ турлари	2010 йил	2011 йил	2012 йил
1	Умумдавлат солиқлари улуши %да	77	74	74
2	Маҳаллий солиқлар улуши %да	23	26	26
3	Жами:	100	100	100

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан 2010-2012 йиллар давомида жами солиқлар таркибида умумдавлат солиқлари 2010 йилда 77 фоизнинг ташкил этган бўлса, 2012 йилда эса 74 фоизнинг ташкил этган. Маҳаллий солиқларнинг улуши эса 2010 йилда 23 фоизнинг ташкил этган бўлса, 2012 йилда эса 26 фоизнинг ташкил этган. Бундан кўриниб турибдики, маҳаллий солиқлар улуши ошиб борган.

²² Жўраев А. Солиқларнинг бюджет тизими бўғинлариаро тақсимланиши. // Бозор, пул ва кредит, – Тошкент, 2004. -№ 11. –Б. 18-21.


²³ Завалишина И.А. Налогообложение. –Тошкент: The Pragma Corporation Enterprise Development Project, 2003. – С. 12.

²⁴ ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг йиллик молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Фикримизча, маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришда ҳал қилувчи роль амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга боғлиқдир. Бу борадаги ислохотларнинг илк ҳуқуқий асосларидан бири, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган “Маҳаллий солиқлар ва йиғимлари тўғрисида”ги қонун ҳисобланади. 2008 йил 1 январдан бошлаб қайтадан ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган Солиқ кодекси маҳаллий солиқларни таркиби ва солиққа тортиш механизмини анча ўзгартириб юборди. Жумладан, солиқларнинг сони камайтирилди. Шунингдек, солиққа тортиш механизми соддалашганлиги билан бир қаторда мукамаллаштирилди. Солиқ кодексга мувофиқ республикамызда фаолият юритаётган тижорат банклари маҳаллий бюджетга қуйидаги маҳаллий солиқларни тўлайди.

- мол-мулк солиғи;
- ер солиғи;
- ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи.

Демак, тижорат банкларининг ушбу солиқ турларини тасвирлаш мумкин.



2.2.1-расм. Тижорат банкларини маҳаллий бюджетга тўлайдиган маҳаллий солиқлари²⁵

²⁵ Муаллиф томонидан тузилди.

Тижорат банкларининг мол-мулк солиғи учун солиққа тортиш объекти бўлиб асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати, жумладан, лизинг шартномаси бўйича сотиб олиниб, банк балансига кирим қилинган асосий воситалар ва бундан кейин мулк деб аталадиган, эскириши чегирилмай банк балансида турган номоддий активлар ҳисобланади.

Солиқ солиш объектларининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (ўртача йиллик қиймат) ҳисобот давридаги ҳар бир ойнинг охириги кундаги ҳолатга кўра солиқ солиш объектларининг қолдиқ қийматларини (ўртача йиллик қийматларини) қўшишдан олинган сумманинг ўн иккидан бир қисми сифатида ортиб борувчи якун билан аниқланади.

Тижорат банкларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлаш назарда тутилмаган фаолият турлари амалга оширилган тақдирда, солиқ солинадиган база солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган мол-мулк бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш асосида аниқланади. Алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш имконияти бўлмаган тақдирда, солиқ солинадиган база фаолиятдан олиннадиган соф тушумнинг умумий ҳажмида юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлаш назарда тутилган соф тушумнинг солиштирма салмоғидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Солиқ солиш базасини аниқлаш учун ҳар ойнинг биринчи санасидаги дебет қолдиқлари тижорат банкларининг қуйидаги баланс ҳисобварақларида ҳисобга олинади:

16505-тугалланмаган қурилиш (белгиланган муддатларда қуриб битказилмаган қурилиш объектлари қисмига);

16509-банк иморатлари (бинолар ва бошқа иморатлар);

16515-объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи;

16529-транспорт воситалари;

16535-мебель, мослама ва жиҳозлар;

16549 бошқаларга операцион ижарага берилган асосий воситалар;

16561-омбордаги асосий воситалар бўйича (меъёрий муддатларда ўрнатилмаган асбоб-ускуналар қисмига);

16601-номоддий активлар;

16617-гудвилл;

16700-банкнинг бошқа хусусий мулклари (16713 ҳисобварағидан ташқари).

Мол-мулк солиғи ҳисоб-китобиға банк мулки ўртача қийматининг ҳисоб-китоби ҳамда мулк қиймати ва имтиёзлар бериш муддати кўрсатилган ҳолда қонунчилик билан белгиланган имтиёзларға мувофиқ солиқ ундирилмайдиган мулклар рўйхати мажбурий равишда илова қилинади.

Мулк солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар қилишнинг бухгалтерлик ҳисоби 56714 – “Солиқлар (фойда солиғидан бошқа) ва лицензиялар” баланс ҳисоб рақамида “Мулк солиғи” алоҳида шахсий ҳисоб рақамида юритилади.

Солиқ ҳисоб-китоби бўйича тижорат банклари қуйидаги ўтказмани амалга оширади:

Дебет 56714 - “Солиқлар (фойда солиғидан бошқа)ва лицензиялар”

Кредит 29806 – “Тўланадиган ҳисоб рақамлар”;

Амалдаги тўловда банк қуйидаги ўтказмани бажаради:

Дебет 29806 - “Тўланадиган ҳисоб рақамлар”;

Кредит 16103 – “Бош банк/ филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлар - Ностро” ёки ДСИ ҳисоб рақами.

Тижорат банкларида барча солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловлар тўланганидан кейин тижорат банклари тасарруфида қоладиган соф фойда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаб чиқариш чоғида солиқ солиш объекти ҳисобланади.

2.2.1-жадвал

ОАТБ “Ўзсаноатқўрилишбанк” томонидан 2010-2012 йиллар давомида тўланган маҳаллий солиқларнинг динамикаси²⁶

(млн.сўмда)

№	Солиқ турлари	2010 йил		2011 йил		2012 йил	
		сумма	%	сумма	%	сумма	%
1	Мол-мулк солиғи	1261	41,51	1532	26,75	2085	29,39
2	Ер солиғи	241	7,95	506	8,84	397	5,59
3	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	1536	50,54	3688	64,41	4612	65,02
4	Жами:	3039	100	5726	100	7094	100

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ОАТБ “Ўзсаноатқўрилишбанк” томонидан 2010-2012 йиллар давомида Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи 2012 йил, 2010 йилга нисбатан ўсиб орган. 2010 йилда 50,54 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда эса 65,02 фоизни ташкил этган.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштиришга босқичма-босқич ўтишни амалга ошираётган тижорат банклари учун амалдаги Солиқ Кодексига мувофиқ ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи қуйидаги тартибда тўланади:

– бюджет маблағлари ҳисобига молиялашнинг ҳиссаси харажатларнинг умумий миқдоридаги фоизларда 100 фоизни ташкил этган тақдирда, яъни давлат ҳокимияти органлари балансига топширилаётган объектлар бутунлай

²⁶ ОАТБ “Ўзсаноатқўрилишбанк”нинг йиллик молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган бўлса, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ставкаси бундай тижорат банклари учун мазкур минтақа бўйича белгиланган ставка миқдорида белгиланади;

– давлат маблағлари ҳисобига молиялаштиришнинг ҳиссаси харажатлар умумий миқдоридаги фоизларда 100 фоиздан кам бўлган тақдирда, яъни харажатларнинг бир қисми тижорат банкларнинг ўз маблағлари ҳисобига молиялаштирилса, тўловчилар учун топшириладиган ижтимоий объектларни улушбай молиялаш миқдорида боғлиқ ҳолда табақалаштирилган ставкалар белгиланади.

Ставкаларни табақалаштиришда қуйидагиларни белгилаб олиш лозим:

а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 26 сентябрдаги “Идораларга қарашли ижтимоий соҳа объектларини жойлардаги давлат ҳокимияти органлари балансига босқичма-босқич ўтказиш тўғрисида” 453-сон қарорига биноан бюджетдан молиялашнинг ҳиссасидан келиб чиқиб, топширилаётган ижтимоий инфратузилма объектларини ўз маблағлари ҳисобига тутиб туриш харажатлари суммасини;

б) ўз маблағлари ҳисобига ижтимоий соҳа объектларини тутиб туриш харажатларини амалга оширувчи тижорат банклар учун солиқ солиш базасини, у қуйидаги формулага кўра белгиланади:

$$\text{Сф} + \text{ХИС} - \text{С}$$

бу ерда: Сф - барча солиқлар тўланганидан кейин тижорат банклари тасарруфида қоладиган соф фойда;

ХИС - ўз маблағлари ҳисобига ижтимоий соҳани тутиб туриш харажатлари;

С - фойда солиғининг ҳисоб-китоб қилинган суммаси.

У фойда солиғининг белгиланган ставкасидан ва ўз маблағлари ҳисобига ижтимоий соҳа объектларини тутиб туриш харажатлари суммасидан келиб чиқиб ҳисобланади:

$$(\text{Хис} * \text{фойда солиғи ставкаси} / 100);$$

в) мазкур банднинг “б” кичик бандига мувофик ҳисоб-китоб қилинган солиқ солиш базасидан келиб чиқиб мазкур минтақа учун белгиланган ставка бўйича ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммаси ҳисобланади. Агар харажатлар суммаси (мазкур банднинг “а” кичик банди) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммасидан (мазкур банднинг “в” кичик банди) ошиб кетса, тижорат банки ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўламайди. Агар харажатлар суммаси (мазкур банднинг “а” кичик банди) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммасидан (мазкур банднинг “в” кичик банди) кам бўлса, тижорат банк ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини энг юқори ставка бўйича ҳисобланган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг суммаси билан ижтимоий соҳа объектларини тутиб туриш харажатлари ўртасидаги фарқ сифатида белгилайди.

Ҳисоблаб чиқарилган тўланиши лозим бўлган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммаси ҳақиқатда тижорат банкининг ижтимоий объектларни сақлаш учун сарф қилган суммаси билан таққосланади. Агарда сарф қилинган сумма тўланиши лозим бўлган солиқ суммасидан кўп бўлса, бюджетга солиқ тўланмайди, акс ҳолда улар орасида фарқ ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи кўринишида бюджетга тўлаб қўйилади.

Чорак давомида барча тўловчилар ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг бюджетга жорий тўловларини амалга оширадилар. Жорий тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш учун банклар аввалги чорак учун ҳисоб-китоб бўйича ҳақиқатда ҳисоблаб чиқарилган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммасидан келиб чиқади. Жорий тўловлар ҳар ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, солиқ чораклик суммасининг учдан бир қисми ҳажмида амалга оширилади. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани

ривожлантириш солиғи бўйича ҳисоб-китоблар рўйхатдан ўтказиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ҳар чоракда ўсиб боровчи якун билан ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатида ҳақиқатда шаклланган солиқ солинадиган базадан келиб чиқиб тақдим этилади. Ҳисоб-китоб бўйича ҳисобланган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммасини тўловчилар бюджетга ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиш муддатлари белгиланган кундан бошлаб 5 кун ичида тўлайдилар.

Тижорат банклари томонидан бюджетга солиқлар билан бир қаторда солиқ вазифасини бажарувчи мажбурий тўлов ва ажратмалар ҳам тўланиб борилади. Илмий ишимизнинг кейинги параграфида биз тижорат банкларининг солиқ функциясини бажарувчи мажбурий тўлов ва йиғимларни амалга ошириш тартиби ва таҳлилларини кўриб ўтишни мақсад қилиб олдик.

2.3. Тижорат банкларидан давлатнинг мақсадли жамғармаларига ундириладиган мажбурий ажратмаларни амалга ошириш тартиби

Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий вазифаларини амалга оширишга давлатнинг мақсадли жамғармалари ҳам иштирок этади. Шу сабабли уларни шакллантириш иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда алоҳида аҳамиятга эга. Давлатнинг мақсадли жамғармаларини шакллантиришда тижорат банклари томонидан ажратилаётган ажратмалар муҳим ўрин тутди. Айни пайтда, давлатнинг мақсадли жамғармаларини шакллантириш иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ўта долзарб масалалардан биридир.

Тижорат банклари томонидан давлатнинг мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни қуйидаги расм орқали тасвирлаш мумкин.



2.3.1-расм. Тижорат банкларининг бюджетдан ташқари давлат жамғармаларига мажбурий ажратмалари²⁷

Фикримизча, юқоридаги чизмада кўрсатилган тижорат банкларининг мажбурий ажратмаларининг амалдаги тартибини изоҳлаб ўтишни лозим топдик. Жумладан, пенсия жамғармасига ажратиладиган ажратмаларни кўриб ўтамыз.

Пенсия жамғармаси - солиқ ва йиғимларга тенглаштирилади ва “Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисида”ги Низомига (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 6 апрель 1333-сон билан тасдиқланган) мувофиқ мулкчилик шаклидан қатъий назар барча тижорат банклари томонидан тўланади.

Пенсия жамғармасига ажратиладиган ажратмалар барча тоифадаги ходимларга ҳақиқатда ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси (даромад) ва иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Пенсия жамғармасини молиялаштириш манбаларидан қатъий назар, солиқ ушланмаларини ҳисобга олишларсиз, барча иш ҳақи (даромад)

²⁷ Муаллиф томонидан тузилди.

турларига ҳисобланади. Тижорат банклари ялпи даромадидан пенсия жамғармасига 0,7 фоиз ставкада ажратмалар ажратиб борилади²⁸.

Пенсия жамғармасига ажратмалар тижорат банклари томонидан вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича, бола туғилиши муносабати билан, дафнга нафақалар тўланиши, уй-жой коммунал хизматлари бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига тўланадиган компенсация пул тўловлари, ишловчи нафақахўрларга пенсиялар, 16 ёшгача бўлган ногирон болаларнинг ота-оналарига қўшимча дам олиш кунларига ҳақ тўлашга бирор-бир чегиришларсиз ҳисобланган сумманинг тўлиқ ҳажмида ўтказилади.

Ҳисоб-китобларда керакли суммаларни атайлаб бузиб кўрсатишга ва улардан мақсадга номувофиқ фойдаланишга йўл қўйган мансабдор шахслар меҳнат, маъмурий ва жиноий жавобгарликка қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тўлов интизомига риоя қилмаганлик учун шахсан жавобгар бўладилар.

Тижорат банклари ўз маблағлари мавжуд бўлган ҳолларда, кейинчалик тўланган суммаларни бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш эвазига пенсиялар, компенсациялар ва нафақаларни иш ҳақини тўлаш кунида ўз маблағлари ҳисобидан тўлашни амалга ошириш ҳуқуқига эгалар. Тижорат банклари томонидан тўланган суммаларнинг қопланиши бюджетдан ташқари пенсия жамғармасидан олинган маблағларнинг иккиламчи депозит ҳисобварағидан харажатлар тўлаб юборилган уларнинг асосий ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига маблағларни йиғиш ва тушумларнинг тўлиқлигини назорат қилиш вазифалари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ ва Давлат божхона қўмиталари зиммасига юклатилди.

²⁸ Қаранг: “Солиқ ва божхона хабарлари” газетаси, 2007. № 1-2. - Б. 4.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси даромадларини шакллантириш ва маблағларини сарфлаш тартиби амалдаги Солиқ Кодексига мувофиқ ушбу жамғармага тижорат банкларининг даромадидан - 1,5 фоиз миқдорида тўлаб борилади.

Тижорат банклар ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади. Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлаш ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай амалга оширилади.

Мажбурий ажратмаларнинг ортиқча тўланган суммаси солиқ органларининг ортиқча тўлаганлик тўғрисидаги хулосаси бўйича банкнинг ёзма аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кун муддатда бўлажак тўловлар ҳисобига ўтказилади ёки Республика йўл жамғармаси томонидан банкга қайтарилади.

Тўлов тижорат банкларининг молия-хўжалик фаолияти натижаларидан катъий назар амалга оширилади. Муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тўланмаган сумманинг 0,05 фоизи миқдорида пеня тўланади.

Тижорат банклар томонидан жамғармага мажбурий ажратмаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тушиши учун Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари жавоб беради.

Мажбурий ажратмалар ва йиғимлар тўғри ҳисоблаб чиқилиши ва ўз вақтида тўланиши учун жавобгарлик тижорат банклари зиммасига юкланади ва улар:

- белгиланган тартибда ва муддатларда йиғимлар ва тўловларнинг тўғри ҳисоблаб чиқилиши ва ўз вақтида тўланишини таъминлашга;
- тўлов ҳужжатларида йиғим ва ажратма турини кўрсатишга;
- тўланган йиғимлар ва мажбурий ажратмалар суммаси ҳисобини юритишга;
- жамғармага йиғимлар ва мажбурий тўловлар тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланишини текшириш учун давлат солиқ хизмати

ходимлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат қилинишига.

Уларнинг талабига кўра ушбу йиғимлар ва мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш билан боғлиқ зарур ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этишга мажбурдирлар.

Ушбу тўловдан ташқари, тижорат банкларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги Фармониға мувофиқ “Мактаб таълимини 2004-2009 йиллар давомида ривожлантириш мақсадида бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармаси” ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабр 610-сонли қарорига мувофиқ барча тижорат банклари 2005 йил 1 январдан бошлаб даромадининг 1 фоиз миқдорида мактаб таълимини ривожлантириш учун мажбурий ажратмаларни тўлашлари лозимлиги кўрсатилган. Ушбу мажбурий тўлови мактаб таълимини ривожлантириш 2004-2009 йиллар Давлат умуммиллий дастурига киритилди ва улар давлат солиқлари ва йиғимларига тенглаштирилди.

Ушбу бобда умумий фикрлардан келиб чиқиб, биз тижорат банкларида юқори улушга эга бўлган фойда солиғини такомиллаштириш борасида умумий тўхтамга келдик. Бундан ташқари ресурс солиқларини ривожлантириш ва такомиллаштириш принципиал аҳамиятга эгадир.

Учинчи бобни тижорат банкларини солиққа тортишни такомиллаштириш йўлларининг асосий йўналишлари билан боғлиқ бўлган масалаларига бағишлаймиз.

3-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ СОЛИҚДА ТОРТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Тижорат банкларини фойда солиғининг тўлаш механизмини такомиллаштириш йўллари.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий ва муҳим буғинларидан бири бу мамлакат солиқ тизимини такомиллаштириб бориш ҳисобланади. Сўнгги йиллардаги мамлакат макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳолати ва солиқ тизими тараққиётига эътибор қаратадиган бўлсак улар бирмунча яхшиланиб, такомиллашиб бораётганлигининг гувоҳи бўламиз. Жумладан, Президентимиз И.Каримовнинг 2007 йил яқунларига бағишланган мажлисдаги нутқда келтирилишича: - “...биринчи навбатда, солиқ юкини камайтириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш масалалари муҳим ўрин тутди”. Хусусан, тижорат банкларига тўғри келадиган солиқ юкини босқичма-босқич пасайтириш, солиқ имтиёзи орқали банк хизматларини ривожлантириш, макроиқтисодий кўрсаткичларни барқарорлаштириш ва мувозанатлаштириш масалалари турибди²⁹.

Дарҳақиқат, фойда солиқларига оид солиқ ставкаларидаги босқичма-босқич пасайиш тенденцияси солиқ тўловчилар учун солиқ юкини камайтириш борасидаги муҳим ишларидан бири деб қараш мумкин. Лекин шунга қарамай республика банк фойдасини солиққа тортиш объектини белгилаш бўйича турли муаммолар ҳам мавжуд. Тижорат банклари фойдасидан бюджетга солиқнинг ундирилаётганига кўп вақт ўтмаган бўлса-да, бу солиқ механизмида бир неча камчиликлар мавжудлиги яққол кўриниб қолди. Сабаби, фойда солиғини ундиришда банклар томонидан амалга

²⁹ «Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш - барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир», Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи газетаси, 2008. 9 феврал. 28-сон. - Б. 2-3.

оширилган айрим харажатлар солиқ базасига қайта киритилади. Ушбу механизмни таҳлил қилиш ва ҳал этиш бўйича айрим таклифлар ишлаб чиқиши жуда муҳимдир.

Тижорат банкларини солиққа тортишда асосий муаммолар тижорат банкларнинг фойдасига солинадиган солиқни ҳисоблаш чоғида келиб чиқади. Фойда солиғига шу муносабат билан эътибор бериш керакки, у тўғри солиқдар жумласига киради ва банкларнинг тижорат фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлади. Шу билан бирга, мазкур солиқ салмоғи тижорат банклари тулайдиган бошқа солиқлар миқдоридан ортиқ бўлади.

Тижорат банкларнинг фойдасига солиқ солиш объекти умумий даромад билан фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботга мувофиқ чегирмалар ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланган, солиққа тортиладиган базага тескари киритиладиган тартибда амалга оширилади.

Тижорат банкларининг фойдасига солинган солиқни тўлаш учун солиққа тортиладиган базани ҳисоблаш чоғида солиққа тортиладиган база жисмоний шахслар муддатли омонатлари (депозитлари)нинг ўсиш суммаси миқдорида, башарти бўшатиб олинadиган маблағлар юқоридаги омонатлар бўйича фоиз ставкаларини оширишга сарфланса камайтирилади.

Тижорат банкларининг имтиёзли кредитлаш жамғармаси ресурсларини кўпайтиришга йўналтирилadиган ва жамғармадан бериладиган кредитлар ҳисобига олинган даромадлари 5 йил муддатга фойда солиғидан озод қилинади.

Маълумки, тижорат банклари даромадини (фойдасини) шакллантириш муаммолари орасида шу банкларнинг даромадлари билан боғлиқ бўлган масалалар марказий ўринда туради. Шу сабабли, тижорат банклари фаолиятида фойда солиғининг таҳлил қилишга киришишдан олдин тижорат банклари доирасида улар даромадининг иқтисодий моҳияти ва шаклланиш тартиби билан танишиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида фойда билан бир қаторда, даромад деган иқтисодий категория ҳам амал килади. Унинг моҳиятини, тижорат банкларида

шаклланиш хусусиятини тўғри аниқлаш ва иқтисодиётдаги ўрнини (тижорат банклари фаолиятида) аниқ белгилаб олишимиз учун тегишли манбаларга мурожаат қилишимиз лозим. Илмий-назарий адабиётларда шу нарса кўрсатиладики, банklar оладиган даромадлар, аввало, берилган кредитлар учун олинадиган фоиз ставкасининг даражасига боғлиқ.

Бозор иқтисодиётида кредитдан фойдаланиш учун тўланадиган фоиз даражаси иқтисодий жиҳатдан белгиланган чегарасига эга. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ўртача тармоқ рентабеллик даражаси фоиз ставкаларининг юқори чегарасини белгилаб берувчи мезондир. Шу нарсдан келиб чиққан ҳолда кредит олган хўжалик юритувчи субъект учун ушбу даражадан ортиқча фоизни тўлаш мақсадга мувофиқ эмасдир. Кредит учун олинадиган фоизнинг куйи чегараси эса банк тизимининг объектив зарурий харажатлар нормаси билан белгиланади. Бу объектив зарурий харажатлар нормаси куйидагилардан ташкил топади:

- ресурсларни аккумуляция қилиш ва жойлаштириш билан боғлиқ харажатлар;
- марказлаштирилган жамғармалар, мажбурий захиралар яратиш билан боғлиқ бўлган харажатлар;
- тижорат банкининг турли ривожлантириш жамғармаларини шакллантириш билан боғлиқ бўлган харажатлар ва бошқалар.

Мижозларга берилган кредитлар бўйича олинадиган фоиз даражаси, халқаро амалиётда даромадликнинг «улик» нуқтаси деб аталадиган юқоридаги даражадан паст бўладиган бўлса, шу вазият ҳеч бир тижорат банкига соғлом фаолиятни амалга оширишга имкон бермайди, яъни тижорат банкига тижорат корхонаси сифатида ўз-ўзини қоплашга тегишли шароитни яратмайди.

Бизнинг фикримизча, ушбу чегараларда фоиз ставкасининг даражаси куйидаги омилларнинг таъсири натижасида аниқланади:

- тижорат банки кредит ресурсларининг таркибий тузилиши (четдан жалб этилган ресурслар ҳиссасининг қанчалик юқорилиги, кредитнинг қанчалик қимматлиги);

- кредитга бўлган талаб ва таклифнинг даражаси (талаб қанчалик кўп бўлса, кредит шунчалик қиммат бўлади);

- мамлакатдаги пул муомаласи (пулнинг инфляция даражаси қанчалик юқори бўлса, тижорат банклари ўз даромадларини йуқотиш хатари қанча баланд бўлса, ўз навбатида кредитнинг баҳоси ҳам шунча юқори бўлади);

- бундан ташқари қимматли қоғозлар бозор курси ва бошқалар билан ҳам белгиланади.

Яна бир муҳим банк даромади валюта бозори ва қимматбаҳо қоғозлар билан олиб бориладиган операциялардан келадиган даромадлар ҳисобланади. Тижорат банклари даромадларини шакллантиришнинг бу омили мамлакатда бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан валюта бозори ва қимматбаҳо қоғозлар операцияларида банкларнинг бевосита иштирок этиши билан боғлиқдир. Ушбу жараён бошланганлигига узоқ вақт бўлмаган бўлса-да, республикада фаолият кўрсатаётган бир неча илғор тижорат банклари ўз даромадларини шакллантиришда бу йўлдан оқилона фойдаланмоқда. Лекин айрим тижорат банклар ўз даромадларини шакллантиришнинг бу йўлига ҳанузгача етарли даражада эътибор бермасдан келмоқда.

Шубҳасиз, тижорат банклари ўзларининг харажатларини молиялаштиришлари учун етарли миқдордаги даромадларга эга бўлмоғи лозим. Ана шу даромадларнинг маълум бир қисми тижорат банклари томонидан қуйидаги пуллик хизматларини кўрсатиш орқали қўлга киритилади: миждозларга касса хизмати кўрсатиш; миждозларга иш ҳақи бериш учун олдиндан нақд пулларни тайёрлаш ва уларга етказиб бериш; пул ҳисоб-китоб таҳдилларини миждозларга бериш; корхоналар ва аҳолининг қимматли буюмларини сақлаш; миждоз номидан ва унинг топшириғига асосан турли шартномалар тузиш; миждоз топшириғига асосан пул маблағларини ўтказиб бериш ва бошқалар.

Бизнинг фикримизча, тижорат банкларининг фойда солиғи бўйича табақалаштирилган солиқ ставкалари жорий этилса, хусусан, банкларнинг капиталлашув даражасини янада ошишига уларнинг молия бозоридаги иштироки ва инвестицион фаолиятининг кенгайишига олиб келади. Бу ўз навбатида, тижорат банклари ўртасида эркин рақобат муҳитининг кенгайишига кулай шароитлар яратиб беради.

Тижорат банкнинг иш ҳақи тўлаш, шунингдек ходимларнинг уй-жойига ҳақ тўлаш, корхона маблағлари ҳисобидан ижтимоий нафақалар тўлаш каби харажатлари моҳият эътибор ила давлатимизнинг фискал сиёсатини амалга ошириш чораси сифатида эмас (кўпчилик одамларнинг хато фикрларига зид уларок), олинган фойдадан ўз ўрнида фойдаланмасликнинг олдини олиш учун назарда тутилганлигини алоҳида кўрсатиш керак. Лекин, бизнинг фикримизча, юқорида кўрсатилган илмий тавсиялар амалиётда синаб кўрилиши мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек жарималар, пенялар ва бошқа молиявий жазо чораларининг суммаларини солиққа тортиладиган базадан чиқариб ташлаш керак чунки молиявий жазо чораларининг ўзи моҳиятан, солиқдир. Бу адолат тамойилларига зиддир. Бу тамойилларга кура солиқ бир марта солиниши керак холос.

Айни пайтга келиб мамлакатимизда тижорат банкларини солиққа тортишни тартибга солувчи алоҳида меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва солиққа тортиш механизми шаклланган. Лекин шу билан бирга, тижорат банкларини солиққа тортиш тартибини келгусида янада такомиллаштириш учун қуйидагилар аҳамиятга моликдир:

- ❖ Тижорат банклари учун амалдаги фойда солиғи ўрнига фойданинг таркибига қараб табақалаштирилган солиқ ставкаларни ўрнатиш мақсадга мувофиқдир.

- ❖ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларининг мажбурий захиралари учун белгиланган миқдордаги тўловни тўлаш масаласини қайта кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ. Ушбу миқдорнинг

пасайтирилиши тижорат банкларида бўш турган ресурс маблағларининг кўпайишига олиб келади. Бу ўз навбатида, тижорат банклари фойдасининг ошишини, шунингдек солиқ тушумларининг кўпайишига замин яратади.

❖ Тижорат банклари фойда солиғининг табақалаштирилган солиқ ставкаларига ўтказилгандан кейин, унинг олдига икки асосий вазифа қўйилади: давлат бюджетини зарур даромад манбаи билан таъминлаш, шу билан бирга, уларнинг ўз фаолиятлари натижасидан кўрадиган манфаатдорлигини ҳам сундирмаслик. Бу икки вазифа ўртасида оқилона нисбат вужудга келмоғи керакки, у ҳар қандай вазиятда ҳам муваффақиятли амалга оширилсин. Агар иккала вазифада бирига кўпроқ эътибор берилса, ҳар иккала вазифанинг бажарилмаслигига олиб келади. Бунинг учун тижорат банклари фойдасидан олинадиган солиқ ставкаларининг юқори бўлмаслигини таъминлаш лозим.

❖ Тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг қайтарилмаслиги натижасида мижозларнинг гаровга қўйилган мол-мулкларни сотиш орқали қоплаш ҳоллари юз бериб туради. Ушбу ҳолатларда гаров эгасининг гаровни банкка беришида кредит мажбуриятини таъминламаган корхона, гаров сотилгандан сўнг тижорат банки қўшилган қиймат солиғи тўловчи ҳисобланади. Гаровдаги мулклар сотилиши юзасидан қўшилган қиймат солиғидан имтиёзнинг берилиши қайтарилмаган кредитга сарф этилган ресурснинг ўрнини тезда қоплаш ҳамда ушбу ресурсларни хўжалик юритувчи субъектларга кредит сифатида қайта бериш орқали иқтисодиётни молиялаштиришда ўз самарасини беради.

3.2. Тижорат банкларини ресурс солиқларининг тўлаш тартибини ривожлантириш масалалари.

Тижорат банклари томонидан тўланадиган солиқлари орасида ресурс солиқларини ўрни беқиёсдир. Бундай солиқлар муайян ресурсларни қисқартириш ёки тижорат банкларнинг қандайдир мулкый манфаатларини

бошқариб бориш мақсадида махсус ишлаб чиқилган. Бу ҳол шу билан боғлиқки, баъзан тижорат банклари фаолият юритмасдан ўз мулки, асбоб-ускуналарини, шу жумладан, ерни улардан мутлақо фойдаланмаган ҳолда жамғариши мумкин.

Фикримизча, бозор иқтисодиёти шароитида ресурслар учун солиқ қўллаш муҳим ҳисобланади ва уларни тижорат банклари нуқтаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак иқтисодий фаолиятига анчагина таъсир ўтказади. Бироқ бу солиқларни қўллаш меъёрий илмий ва амалий жиҳатдан асосланган бўлишини таъкидлаш эҳтиёжидир. Жумладан:

- ҳозирги пайтда ресурс солиқларнинг солиқ тизимидаги ўрнини ўрганиш;

- ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ресурсларни солиққа тортиш соҳасидаги муаммоларни бартараф этиш имкониятларини аниқлаш;

- ресурс солиқларини ҳисоблаш механизмининг чуқур таҳлил этиш ва шу асосда уни такомиллаштириш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб

чиқиш, уларни табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишдаги ролини кўрсатиш ҳисобланади.

Маҳаллий солиқлар орасида энг муҳими мол-мулк солиғидир. Бу солиқ бўйича солиққа тортиш объекти бўлиб ер, саноат ва уй-жой қурилишлари, кучмас мулкнинг бошқа шакллари хизмат қилади. Мол-мулкнинг баҳолаш қиймати солиққа тортишнинг асосидир.³⁰

Бизнингча, тижорат банкларида ресурс солиқларининг марказий бўғинида мулк солиғи туради. Тижорат банклари томонидан ҳозирги пайтда мол-мулк солиғи ўртача йиллик қолдиқ қиймати ҳисобот йилининг барча ойларида амалга оширилади.

³⁰ Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. -Т.: Академия, 2002. - Б. 29.

Фикримизча, мол-мулк солиғи суммаси асосий воситалар ва номоддий активларнинг қолдиқ қийматига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлганлиги учун уни тўғри аниқлаш катта аҳамиятга эга. Яна бир хусусиятли томонини ўрганадиган бўлсак мол-мулк солиғини ҳисоблаш чоғида ўртача йиллик қолдиқ қийматини олишига сабаб, тижорат банкларини моддий манфати кузланган. Сабаби, тижорат банклари мол-мулкларини бозор қиймати баҳосида, яъни мол-мулк солиғи ҳисоб-китоб давридаги бозор баҳоси бўйича амалга оширилади.

Мамлакатимиз истиқлолининг дастлабки йилларида мол-мулк солиғи ўртача жорий йиллик қийматида ҳисобланар эди. Бунда тижорат банклари мол-мулкларини бозор баҳоси инобатга олинмас эди. Йилдан-йилга бўлаётган ўзгаришлар ушбу солиқ тури бўйича ҳам ҳисоблаб чиқиш методикасини давлат томонидан кўлайлаштириши, ҳам давлат бюджетига, ҳам тижорат банклари учун муносиб равишда намоён бўлмоқда.

Тижорат банклари мол-мулк солиғи базасини аниқлаш учун ҳар ойнинг биринчи санасидаги дебет қолдиқлари кредит ташкилотларининг қуйидаги баланс ҳисобварақларида ҳисобга олинади:

16505-Тугалланмаган қурилиш (белгиланган муддатларда кўриб битказилмаган қурилиш объектлари қисмига);

16509-Банкнинг иморатлари - Бинолар ва бошқа иморатлар;

16515-Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи;

16529-Транспорт воситалари;

16535-Мебель, мослама ва жиҳозлар;

16549-Бошқаларга операцион ижарага берилган асосий воситалар;

16561-Омбордаги асосий воситалар бўйича (меъёрий муддатларда ўрнатилмаган асбоб-ускуналар қисмига);

16601-Номоддий активлар;

16617-Гудвилл;

16700-Банкнинг бошқа хусусий мулклари (16713 ҳисобварағидан ташқари).

Тижорат банклари томонидан қарзни қоплаш учун сотиш мақсадида ундириб олинган мол-мулкка (гаровга олинган мол-мулкка) солиқ солинмайди ва ушбу мол-мулкка амортизация ажратмалар ҳисобланмайди.

Асосий воситалар ва маҳсулотларнинг рақобатбардош қийматларни шакллантириш тегишли йўриқномага мувофиқ ҳар йилда амалга оширилиш лозим бўлган қайта баҳолаш натижалари бўлиб ҳисобланади ва мол-мулк солиғига бевосита алоқадордир. Амортизация ажратмаларининг тартиби ва мол-мулк солиғини ҳисоблашда асосий воситаларни қайта баҳолаш амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хўжалик юритувчи субъектлар фаолият туридан ҳамда мулкчилик шаклидан қатъи назар ҳамма корхона, бирлашма, муассасалар, ташкилотлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар асосий воситаларни қайта баҳолашни амалга оширади, деб таъкидланган. Шу билан бирга тижорат банклари учун асосий фондларни янгилаш асосланган молиявий фондларни шакллантиришнинг зарурий шартларини ташкил этади. Бундан ташқари ушбу йўриқномага мувофиқ тижорат банклари асосий воситаларини қайта баҳолаш қуйидаги икки усулда амалга оширилиши мумкин:

- ❖ индекс усули (алоҳида объектларнинг баланс қийматини индексация қилиш йўли орқали асосий воситалар бўлган бино ва иншоотларни турларига қараб, ўзгарувчан индексларни қўллаш);

- ❖ тўғридан-тўғри ҳисоблаш усули (асосий воситаларнинг алоҳида объектларини уларга нисбатан қонуний тасдиқланган бозор баҳолари асосида тўғридан-тўғри қайта ҳисоблаш);

Асосий фондларни қайта баҳолаш бу асосий фондлар қийматининг ўзгариш жараёни бўлиб, улар ёрдамида ишлаб чиқаришни замонавий шароитларга мувофиқлигини амалга оширишга олиб келади ва бу қуйидагилар учун зарур ҳисобланади:

1. Турли йиллардаги асосий фондлар баҳосини тўлиқ бошланғич қиймат бўйича аралаш баҳолашни бартараф қилиш;

2. Асосий фондларни ишлаб чиқариш учун, меҳнат воситаларига ижтимоий зарур харажатларга мувофиқ келадиган баҳоларни ўрнатиш;
3. Солиққа тортиладиган базани аниқлаш;
4. Маҳсулот таннархига тузатишлар киритиш;
5. Воситаларининг ҳақиқий эскиришини (пул бирлигида) аниқлаш ва уларни жамланган амортизация ажратмаларига таққослаш.

Қайта баҳолашдан мақсад, ҳозирги қарор топаётган бозор иқтисодиётининг замонавий шароитида тижорат банкларнинг асосий фондларини ҳақиқий қийматини аниқлаш ва мамлакатда инвестицион жараёнларни нормаллаштириш истиқболларини мувофиқлаштиришни ташкил этишдир. Асосий фондларни солиққа тортиш мақсадида, уларнинг тегишлилиги бўйича классификацияси, қўллаш доираси ва тури катта аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда қайта баҳолашдан мақсад тижорат банклардаги асосий воситалар қийматини амалдаги бозор нархларига тенглаштиришни амалга ошириш ҳамда тижорат банкларда солиқ оғирлигини ошишини олдини олиш бўлиб ҳисобланади. Шундай экан мазкур йўриқномада таъкидланишича, асосий воситалар груҳларга бўлинган ҳолда, уларнинг баланс қийматини тегишли қайта ҳисоблаш коэффициентларига мувофиқ кўпайтирилади. Хусусан, бу коэффициентлар асосий воситаларнинг тўлиқ гуруҳи учун ўрнатилган бўлиб, яъни ҳар бир конкрет ҳолдаги турли асосий воситалар объектларини ўз ичига олади ва бундай усул тижорат банкларда мавжуд бўлган асосий воситаларнинг фақат ҳақиқий қийматига яқинлашишини акс эттириши учун қўлланилади. Асосий фонд(восита)лар тиклаш қиймати бўйича қайта баҳоланади, яъни асосий фондларнинг тиклаш қиймати уларнинг тўлиқ баланс қийматини тегишли коэффициентларга кўпайтириш йўли орқали аниқланади. Бироқ бундай йўналишдаги ишларни амалга ошириш учун малакали баҳоловчи-мутахассислар зарур.

Тижорат банки мол-мулкини амалдаги ҳақиқий қийматини аниқлаш учун уларнинг реал молиявий ҳолатини, ривожланиш истиқболини ва унинг муҳим параметрларини ўрнатиш лозим. Асосий воситалар ва тугалланмаган қурилишни

белгиланган коэффицентларга мувофиқ қайта баҳолашни амалга ошириб, тижорат банклар кўпинча бир хил объектга бўлган (қайта баҳолашдан кейин) амалдаги бозор баҳоларига нисбатан асосий воситаларнинг баланс қийматини оширишга интиладилар, чунки бундай ҳол бир томондан мол-мулк солиғи бўйича солиққа тортиладиган объектнинг ошишига олиб келса, иккинчи томондан амортизация ажратмаларининг ошишига ҳам олиб келади. Тиклаш қиймати бўйича қайта баҳоланган асосий воситаларнинг ошган баланс қиймати бир вақтнинг ўзида мол-мулк солиғи суммаси ва эскириш суммасининг ошишига олиб келади, натижада бундай ҳоллар келажакда хизматлар таннархининг таркибига киритилиб, охир-окибатда иш, хизматларнинг айирбошланадиган таннархи ошишига олиб келади. Бундай ҳол сунъий равишда маҳсулотлар таннархининг ошиши, молия йилида олинадиган фойданинг ҳажмига таъсир қилади ва фойдадан тўланадиган солиқлар жумладан, мол-мулк солиғига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Шундай экан амалда асосий фондларни қайта баҳолашни амалга ошириш натижасида давлат бюджет даромадларини шакллантиришда ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар молиявий хўжалик фаолиятига, айниқса мол-мулк солиғини ҳисоблашда оптимал вариантини аниқлаб уни ҳал қилишга ҳаракат қиламиз. Ушбу муаммони ечиш учун биз республикаимиз ҳалқ хўжалиги тармоқларида мавжуд асосий фондларни қайта баҳолаш натижасида мол-мулк солиғи учун унинг бошланғич ва қолдиқ қиймат бўйича ҳисобга олган ҳолда, солиқда тортишни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Бизнингча, тижорат банкларини мол-мулк солиқлари ўзларини мол-мулк бойликлари ҳолатига қараб ундиришни тартибласак бундан тижорат банклари фаолиятини қай даражада эканига баҳо берсак адашмаган буламиз.

Ҳозирги пайтда ресурс солиқлари, давлат бюджети даромад қисмини шакллантиришда асосий ўринлардан бирини эгалламоқда ва мазкур солиқлар Республикаимиз солиқ тушумлари таркибидаги улуши 9,7 дан 10,8 фоизгача ташкил этса, бу солиқларни ривожлантириш, тижорат банклари сонини ва унинг моддий бойликларини ўсишида, ресурслардан оқилона фойдаланиш самарадорлигини оширади.

Хулоса

Ҳозирги кунга келиб мамлакатимизда тижорат банкларини солиққа тортишни тартибга солувчи алоҳида меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва солиққа тортиш механизми шаклланган. Лекин шу билан бирга, тижорат банклари даромадлари ва уларни солиққа тортишнинг ҳисоби янада такомиллаштириш масалалари тадқиқот ишни ёзиш жараёнида тадқиқ этилди. Тадқиқот ишида тижорат банкларини солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш масалалари атрофлича тадқиқ этилиб, улар бўйича бир қатор илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Шу ўринда шакллантирилган илмий-назарий хулосаларнинг асосларига тўхталиб ўтишни маъқул кўрдик. Жумладан:

1. Миллий иқтисодиётда макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлаш ва мустаҳкамлашда банкларнинг ўрни бекиёс даражада муҳим эканлиги яққол намоён бўлмоқда. Шу боис, мамлакат банк тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил жадаллаштириш мақсадга мувофиқдир.

2. Солиқ ва солиққа тортиш хусусиятидаги классик ҳамда замонавий хорижлик ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг назарий қарашларида солиқларга нисбатан умумий ва бир-биридан фарқ қилувчи илмий таърифлар берилганлиги ўрганиб чиқилди. Лекин айни пайтга қадар иқтисодчи олимлар ўртасида солиқларга нисбатан ягона таърифлар шакллантирилмаган.

3. Солиқ ва солиққа тортишни характерли белгиларида иқтисодчи олимлар томонидан таъкидланган фикрларни хилма хиллиги мавжуд. Солиқларнинг характерли белгилари борасида ягона хусусиятлари аниқланмаган.

4. Хорижлик ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг солиқ функциялари бўйича илгари сурган қарашларида ханузгача ягона илмий таърифлар шаклланмаган. Аммо кўпчилик иқтисодчи олимлар томонидан солиқнинг икки функцияси эътироф этилмоқда, жумладан, фискал ва тартибга солиш функцияларини эътироф этилмоқда.

5. Иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида тижорат банклари давлат

манфаати учун икки муҳим вазифани бажаради. Улар, биринчидан иқтисодий молиялаштириш чора-тадбирларида бевосита иштирок этса, иккинчидан тижорат банклари фойдасининг маълум қисмини давлат бюджетига топширади. Шу асосда тижорат банкларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришнинг объектив зарурлиги аниқланди.

6. Мамлакатимизда тижорат банкларининг солиққа тортиш механизмини шаклланиши ва ривожланиши бўйича турт босқичдан иборат бўлиб, ҳар бир босқични ўзига хос хусусиятларини ўрганиш билан бир қаторда муаммоли томонлари ҳам аниқланди.

7. Давлат бюджети даромадлар базасини шакллантиришда тижорат банкларидан ундирилаётган умумдавлат солиқларининг тижорат банкларда муҳим иқтисодий аҳамиятга эга бўлган фойда солиғи бўйича муаммолар ўрганилиб, зарур ҳулосалар чиқарилди.

8. Республика тижорат банкларининг капиталлашув даражасининг юксалиши ўз навбатида, уларнинг молия бозоридаги инвестицион фаолиятининг кенгайишига олиб келади. Бунинг самараси улароқ тижорат банкларининг мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, шунингдек республикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини кўпайтиришда ҳамда янги иш ўринларини ташкил этиб, ижтимоий масалаларни ҳал этишини таъминлайди.

9. Тижорат банклари даромадлари ва уларни солиққа тортишнинг ҳисоби объектив зарурлигининг асосланиши ҳамда тижорат банкларида солиқ юкини камайтириш йўллари орқали банклар ўртасидаги рақобатнинг кучайишида улар томонидан турли фаолиятларни амалга оширишлари натижасида кўпроқ даромад олишга интилишлари намоён бўлади.

10. Бизнинг фикримизча, олиб борилган илмий-тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики, банкларнинг асосий солиқ тўловлари фойда солиғи бўлганлиги боис, ушбу солиқ тури бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат бўлди.

11. Тижорат банкларини давлат бюджетига тулайдиган асосий

солиқдаридан бири фойда солиғи бўлганлиги боис тижорат банклари даромадларини шакллантиришни тақазо этди.

Юқорида кайд этилган илмий-назарий хулосалардан келиб чиққан ҳолда, тижорат банклари даромадлари ва уларни солиққа тортишнинг ҳисоби такомиллашга йўналтирилган илмий-назарий ҳамда амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Бизнинг назаримизда уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

1. Тижорат банклари фаолияти самарадорлигини ва капиталлашув даражасини янада ошириш ҳамда маблағлардан оқилона фойдаланиш мақсадида республика тижорат банклари учун амалдаги Фойда солиғи ўрнига тижорат банки фойдаси таркиби ва банк фаолияти ихтисослашувига асосланиб табақлаштирилган Фойда солиғини қўллаш орқали амалдаги Солиқ кодексининг 22- боб, 148- моддасига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқдир. Бизнинг фикримизча, табақалаштирилган ставкани белгилаш чоғида қуйидаги мезонларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Жумладан:

- ❖ тижорат банкларининг ташкил этилган вақти ва уларнинг ихтисослашган йўналиши;

- ❖ бир хил меъёردаги фойда олиш имкониятига реал шароит яратиб бериш;

- ❖ саноат ва транспорт соҳаларига ихтисослаштирилган тижорат банкларига нисбатан солиқ ставкасини бир хил даражада ўрнатиш;

- ❖ янгидан ташкил этиладиган тижорат банкларига ўрнатиладиган Фойда солиғи учун солиқ ставкасини белгилашнинг алоҳида тартибини қўллаш;

- ❖ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи ва қайта ишловчи корхоналарни молиялаштиришга йўналтирилган тижорат банкларига нисбатан солиқ ставкаси бўйича алоҳида ёндошиш;

- ❖ хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган тижорат банклар учун махсус усуллардан, хусусан уларни рағбатлантириш асосида солиқ

ставкалари қўлланиши мамлакатда тижорат банклари фаолияти тараққиёти билан бирга, солиқ тизимининг ҳам такомиллашувига яқиндан ёрдам кўрсатади.

2. Тижорат банкларини солиққа тортиш масалаларини тўғри ҳал этиш мақсадида уларга қуйидаги хусусиятли белгилар хос эканлиги инобатга олинмоқ лозим. Жумладан:

❖ тижорат банклари ўз миқдорларидан жамғарилган маблағлар эгалари бўлмаса-да, уларни бошқа хўжалик юритувчи субъектларга қарзга берадилар ва бу фаолиятдан фойза шаклида иқтисодий самара оладилар. Демак фойзалар улар фойдасининг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади ва фойзалардан олинган даромаднинг бир қисми муомала харажатларини қоплашга сарф этилади;

❖ тижорат банкларининг фойдаси ҳар доим алоҳидда товар шаклига, яъни пул шаклига эга бўлиб, у ҳеч қачон товар хусусиятини йўқотмайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларининг мажбурий захира талаблари учун белгиланган миқдорни қайта кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ. Ушбу миқдорнинг пасайтирилиши тижорат банкларида бўш турган маблағларининг кўпайишига ва ликвидлилик даражасини ошишига олиб келади. Бу, уз навбатида, тижорат банкларида даромадининг ошишини, молиявий имкониятларнинг кўпайишига, хусусан солиқ тушумларининг кўпайишига имкон беради. Шу билан бирга, тижорат банкларида кредит рисқи ҳам ошади. Аммо тижорат банклари рисқларни олдиндан баҳолаш чора-тадбирларини кўриши лозим.

4. Одатда, тижорат банкларининг олдига икки асосий вазифа қуйилади. Давлат бюджетини зарур даромад манба билан таъминлаш, шунингдек ўз фаолиятлари натижасидан оладиган манфаатдорлигини ҳам сундирмаслиги лозим. Бу икки вазифа ўртасида оқилона нисбат вужудга келиши керакки, у нисбат ҳар қандай вазиятда ҳам муваффақиятли амалга оширилиши лозим. Агар ҳар икки вазифадан бирига кўпроқ эътибор берилса, бир вақтнинг ўзида иккала вазифанинг ҳам бажарилмаслигига олиб келиши мумкин. Бунинг учун тижорат банклари фойдасини солиққа тортиш тартибининг оптимал

равишдаги солиқ объектини (солиқ базасига тескари киритиладиган харажатлар таркибини қайта кўриб чиқиш) шакллантириш механизмини яратиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банклари бир вақтнинг ўзида ҳам ўзларини молиявий маблағлар билан таъминлашга ҳам жамият ривожига муносиб хисса қўшмоқда. Шу боис, биз томондан берилган илмий-назарий таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилса, амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада самарали ташкил этишга ижобий туртки бўлар эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни 1995 йил 21 декабр. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 247-модда)
2. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 1996 йил 25 апрел. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 5-6-сон, 54-модда)
3. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни 1996 йил 30 август. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 1996 йил, 9-сон, 142-модда)
5. “Бюджет тизими тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 14 декабрь 2000 йил.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ-56 сонли Қарори. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 15-16-сон, 112-модда)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2009 йил 28 июлдаги ПҚ-1166-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 30-31-сон, 343-модда)

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1317-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 14-15-сон, 104-модда)
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябдаги ПҚ- 1438-сонли “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарори Халқ сўзи” газетаси. 27.11.2010 й.
5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг “Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари тўғрисида”ги 2004-сонли Низом, 2009 йил 9 сентябр. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 37-сон, 412-модда)
6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси” № 773-17-сон 2004 йил 13 август.
7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида”ги 1834-сон йўриқнома 2008 йил 11 июл. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 28-сон, 276-модда)
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26 ноябрь 2010 йил ПҚ-1438 “2011-2015 йилларда республика молия банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарори 2010 йил 26 ноябр.
9. **Ўзбекистон Республикаси** банк тизимини ислоҳ қилиш ва тижорат банклари фаолиятини тартибга солишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами.-Т.: “O‘zbekiston”, 2011.- 744 б.

10. **Ўзбекистон Республикаси** банк тизимида бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва тўлов тизимида оид қонунчилик ҳужжатлари тўплами [Text].-Тошкент.: “O‘zbekiston”, 2012.- 464 - Б.ц.
11. Ўзбекистон республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида Ўзбекистон республикаси президентининг № ПКҚ-1024 қарори. 29.12.2008 й.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 498-сонли “Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш ва харажат қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Республика йўл жамғармаси ва “Ўзавтойўл” давлат акционерлик компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 36 -сонли қарори, 2003 йил.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг Бандликни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш бўйича 173-сонли қарори, 2003 йил.
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Бюджетдан ташқари “Мақтаб таълими жамғармасини ташкил этиш чора–тадбирлари тўғрисида”ги 263-сонли қарори, 2004 йил.
16. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари. www.press-service.uz.

III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва маърузалари.

1. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишининг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. - 56 б.
3. Каримов И.А. Энг асосий мезон - ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. -Т.: Ўзбекистон, 2009. -24 б.
4. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 2008. -368 б.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. -176 б.
6. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. Тузувчи Ф.М.Муллажанов. -Т.: Ўзбекистон, 2005. -528 б.
7. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамият барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Асосий вазифамиз-Ватанамиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 77 б.
8. Каримов И.А. 2012 йил Ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2012. - 36 б.

IV. Асосий адабиётлар

1. Абдуллаев Ё., Қоралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С. Банк иши. Ўқув кўлланма-Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2009 йил, 548 бет.
2. Батракова Л.Г. Экономический анализ деятельности коммерческого банка: Учебник для вузов. –изд. 2-е перераб. и доп. –М.: Университетская книга; Логос, 2007. -368 с.
3. Жарковская Е.П. Банковское дело.-4-е изд., испр. и доп. - М.: Омега-Л, 2005.- 452 с.
4. Лаврушина О.И. Управление деятельностью коммерческого банка (Банковский менеджмент).-М.: Юрист, 2003.-526 с.
5. Ларионова И.В. Управление активами и пассивами в коммерческом банке. -М.: Консалтбанкир, 2003.-345 с.

6. Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия: умумназарий масалалар. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2008, 316 бет.
7. Ваҳобов А., Қосимова Г., Жамолов Х. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги: Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисод-молия. 2005.
8. Т.С.Маликов Солиқ юкининг оғирлигини кескин камайтириш керакми? /Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Солиқ ададемияси. Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006.-32
Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Тошкент: “Академия”, 2002. – 204 б.
9. Маликов Т.С. Солиқ юкининг оғирлигини кескин камайтириш керакми? – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – 32 б.
10. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Давлат бюджети. / Ўқув қўлланма. – Тошкент: “Iqtisod-moliya”, 2007. – 84 б.
11. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Молия: умумдават молияси. / Ўқув қўлланма. - Тошкент: “Iqtisod-moliya”, 2009. – 556 б.
12. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Бюджет даромадлари ва харажатлари. / Ўқув қўлланма. – Тошкент: “Iqtisod-moliya”, 2007. – 244 б.
13. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Бюджет (тизими, тузилмаси, жараёни). / Ўқув қўлланма. – Тошкент: “Iqtisod-moliya”, 2008. – 84 б.
14. Юлдашев З., Т.С. Маликов. Молия: уй хўжаликлари молияси. Ўқув қўлланма / Тошкент Молия институи – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2008, 112 бет.
15. Муллажонов Ф.М. Ўзбекистон Республикаси банк тизими -Т.: Ўзбекистон, 2001.-224 б.
16. **Ўзбекистон Республикаси** банк тизими / муаллиф: Ф.М.Муллажонов [ва бошқ.] Ф.М. Муллажоновнинг умумий таҳрири остида. Тўлдирилган иккинчи наشري.Т.: O‘zbekiston, 2011.-368 б.
17. Коралиев Т.М. Пул - кредит оркали мувофиқлаштириш. Ўқув қўлланма./ Т.М. Коралиев, С.Х. Норқобилов. - Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2008. - 116 с.

18. Omonov A.A. Pul, kredit va banklar. Darslik./ A. A. Omonov, T. M. Qoraliyev. - T.: "IQTISOD-MOLIYA", 2012. - 324 c.

V. Қўшимча адабиётлар

1. Дадашев А.З. Налогообложение коммерческих банков в Российской Федерации. – М.: Книжный мир, 2008. – 88 с
2. Белуза М.Я., Веренков А.И., Налогообложение коммерческого банка: Справочник-альманах. –М.: Банковский Деловой Центр, 1996. – 136 с;
3. Банковское дело. Организация деятельности коммерческого банка: учебник / Г.Н. Белоглазова, Л.П. Кроливецкая, -М.: Высшее образование, 2009. -422 с.
4. Вешкин Ю.Г., Авагян Г.Л. Экономический анализ деятельности коммерческого банка: учеб. пособие: –М.: Магистр, 2007. –350 с.
5. Абдувахидов Ф.Т., Умаров З.А., Джураев К.Н. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2010. -224 б.
6. Анализ финансовой отчетности: Учебное пособие / Под ред. О. В. Ефимовой, М. В. Мельник. – М.: Омега – Л, 2004. – 408 с.
7. Банковские риски. Под ред. О.И. Лаврушина.-М.: КНОРУС. 2007.-231 с.
8. Пансков В.Г. Налоги и налогообложение в Российской Федерации. – М., 2006.
9. Пеньков Б.Е. Налоговый импульс экономического роста // Экономист, 2005. №6.

V. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

1. Тошматов Ш. Тижорат банкларини солиққа тортишни такомиллаштириш // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2005. -№10-11. – Б.6.
2. Умаров З.А. Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби.// Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2005. –№ 11 - Б. 11-12.
3. Ниёзов Ж. Тижорат банкларини солиққа тортишни такомиллаштириш // Бозор, пул ва кредит. - Тошкент, 2005. -№7. - Б. 10-12.

4. Комолов О.С. Тижорат банкларини солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш масалалари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: 2009. – 20 б.
5. ОАТИБ “Ипотекабанки”нинг 2010-2012 йй. ҳолатига маълумотлари.
6. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990–2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам.– Т.: O‘zbekiston, 2011.–140 б.
7. Комолов О.С. Тижорат банкларини солиққа тортиш масалалари. // Бозор, пул ва кредит. - Тошкент, 2006. -№ 5. - Б. 7-9.
8. Комолов О.С. Тижорат банклари: маҳаллий солиқ ва йиғимлар. // Жамият ва бошқарув. - Тошкент, 2006. Махсус сони. - Б. 106-107.
9. Жураев А. Солиқларнинг бюджет тизими бугинлариаро тақсимланиши // Бозор, пул ва кредит. - Тошкент, 2004. -№11. - Б. 18-21.
10. Газеталар: “Солиқлар ва божхона хабарлари” (Ўзбекистон), “Бизнес вестник Востока” (Ўзбекистон), “Финансовая газета” (Россия), “Экономика и жизнь” (Россия).

VI. Интернет сайтлари

1. www.lex.uz - (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами)
2. www.cbu.uz - (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки)
3. www.mf.uz-Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти.
4. www.finance.uz - (Молиявий иқтисодий таҳлил портали)
5. www.Turonbank.uz - (ОАТБ Туронбанк расмий веб сайти)
6. www.ahbor.uz - (Ahbor-Reyting рейтинг агентлиги)
7. www.soliq.uz-Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасисайти.
8. www.stat.uz –(Ўз Р давлат статистика қўмитаси сайти.)